

Боқий фикр

Худонинг марҳамати
билан энг гўзал, энг
соғлом авлод бизнинг
Ватанимизда камол
топиши ниҳоятда
табиийдир.

Ислом КАРИМОВ




Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 30-aprel, chorshanba № 35 (8684)

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

ҚАРШИДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ



Қашқадарёда «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» номи остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида интеллектуал беллашувлар, давра суҳбатлари, учрашув ва танловлар, спортнинг бир неча турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди.

Китоб туманидаги 5-мехрибонлик уйида ўтган «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» лойиҳаси болажонларга бир умр эсда қоғларли лаҳзаларни ҳада этди. Тарбияланувчилар таниқли санъаткорлар ва адиблар билан марокки суҳбатлашди. Болалар томонидан уюштирилган расмлар кўргазмаси, концерт дастури меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Қарши шаҳридаги савдо шохобчаларида «Виждонли сотувчи» акцияси ўтказилиб, унда солиқ ходимлари, «Камолот» ЁИХ фаоллари, таниқли киноактёрлар ва эстрада хонандалари иштирок этди. Тadbир доламида вояга етмаган болаларга алкоголь ва тамаки маҳсулотлари сотишнинг салбий оқибатлари, ёшлар ўртасида турли ҳуқуқбузарликлар содир этилишига айнан шу масъулиятсизлик сабаб бўлаётгани сотувчиларга тушунтирилди.

«Ватан тараққиётига меҳрининг ҳиссам» лойиҳаси асосида вилоят Ёшлар марказида ёш тadbиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси, «Камолот кутубхонаси» лойиҳаси доирасида ёшлар учун китоблар кўргазмаси, ёш ижодкорлар мушоираси, «Сиз севган қахрамонлар» ва «Замонамиз қахрамонлари» мавзуларида таниқли шахслар, актёр ва эстрада хонандалари иштирокида ижодий учрашувлар, «Насаф» стадионида бўлиб ўтган футбол-шоу ёшларга бир олам завқ бағишлади.

Фестиваль «Мустақиллик фарзандлари» номли концерт дастури билан якунланди.

Суратда: фестивалдан лавҳа.

ЎЗА Фотомухбири
Жамшид НОРҚОБИЛОВ
олган сурат.

ШАҲАРЛИК
МУАЛЛИМА

чекка қишлоқда
ўқувчиларга инглиз
тилидан сабоқ бермоқда

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, вилоят халқ таълими ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари ҳамда Қарши давлат университети ҳамкорлигидаги тadbирлар натижасида вилоятда хорижий тил ўргатилмай келинаётган 97та умумтаълим мактаби ҳам олий маълумотли чет тили ўқитувчилари билан таъминланди.

3-бет

ЁШ ОЛИМЛАР
НИМА БИЛАН
МАШҒУЛ?

«Ёш олимлар кенгаши» аъзолари АҚШ қишлоқ хўжалиги департаментининг Миссисипи штатидаги илмий лабораторияси билан ҳамкорликда кўплаб илмий ишларни амалга оширмоқда.

7-бет

ОНА СУТИ —
БЕБАҲО НЕЪМАТ

Она сути ҳеч қандай ишлов берилмайдиган озуқа бўлиб, қақалоқ ҳаётининг илк дамлариданоқ унга сув ва ҳаводек зарур.

8-бет

Апрел — Estetik yo'nalishdagi fanlar oyligi

БАҲОР ГУЛЛАРИДАН
МЎЪЖАЗ КЎРГАЗМА

Баҳор гуллари. Улар нафис, хушбўй. Нозик жуссаси билан шамол ва довулларга чидамлилиги, гўзаллиги билан бошқа гуллардан ажралиб туради. Гулларнинг бор чиройи, латофатини оқ қоғозда жонлидек тасвирлаб бериш учун гўзалликни ҳис қила олиш қобилияти кучли бўлиши керак. Ўқувчида бу қобилиятни шакллантириш эса тасвирий санъат ўқитувчисидан ижодкорлик ва маҳорат талаб этилади.

Олмазор туманидаги 28-мактабнинг тасвирий санъат ўқитувчиси Дилноза Қўчқорова 2-«А»-синфда ўтган «Баҳор гуллари» мавзусидаги дарсда дастлаб баҳор фаслининг элчилари ҳисобланган кўкчам чечаклари ҳақида ҳикоя қилиб берди. Мавзу бўйича яратилган тасвирий санъат асарларидан кўргазма сифатида фойдаланиб, сўнг ўқувчиларни ўзига ёққан гулларни чизишга ундади. Янги педтехнология асосида ўтилган дарс якунида турли-туман баҳор гуллари акс эттирилган мўъжазгина кўргазма ҳам ташкил этилди.

Бурхон РИЗОКУЛОВ
олган сурат.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси томонидан имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув халқимиз турмуш даражасини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш, меҳнат шартлари бўйича иш берувчи томо-

Matbuot anjumani

ташкilot ва муассасаларда ходимлар учун бир қатор имтиёзлар, келишувлар яратилишига эришилмоқда. Мамлакатимиз миқёсида 14та ҳудудий, 85та тармоқ келишувлари, корхоналарда 97 мингдан ортиқ жамоа шартномаларига амал қилиниб, ходимлар қонунчиликда кўзда тутилган имтиёз, кафолат ва қулайликлардан фойдаланмоқда.

ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ — АСОСИЙ ВАЗИФА

нидан ходимга маош тўланишини таъминлаш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, аёллар ва ёшларга қўшимча кафолат ҳамда имтиёзлар бериш, ҳақ-аро меҳнат ташкилоти конвенцияларига риоя этиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлаштирилиши ва муқим иш-лашларини назорат қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар замирида инсон манфаатлари ўз аксини топганлиги, бунда айниқса, Бош келишувнинг муқим аҳамият касб этаётгани хусусида Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этилган «Жамоа келишувлари ва шартномаларнинг аҳамияти» мавзусидаги анжуманда сўз борди.

— Бош келишувнинг ижроси давлат органлари, касаба уюшмалари ва иш берувчилардан тузилган гуруҳ аъзолари томонидан уч томонлама назорат қилиб борилаётганда, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши раиси Танзила Норбоева. — Бош келишув асосида корхона,

Бундан ташқари, ходимларнинг касби, малакаси, меҳнат шартномасига биноан бандлиги таъминлаиб, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш чоғида қонун меъёrlарига риоя этилишига эришилмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, бугун ёшлар бандлиги муҳим масала айланган. Коллеж битирувчиларининг ишга жойлаштирилиши ва уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, битирувчини тажрибали ходимга бириктириш, кам таъминланган ёки кўп болали оила фарзандларини моддий қўллаб-қувватлаш ишларига 744,5 млн. сўм сарфлангани натижасида 70 минг битирувчи муқим иш жойига эга бўлгани айтиб ўтилади.

Анжуман сўнггида журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб қайтарилди.

Олимжон ЖУМАОБОВ,
“Ma‘rifat” мухбири

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — ЎҚУВЧИЛАР НИГОҲИДА

Бола иншо ёзмоқда. Дафтар саҳифалари унинг мустақил фикри билан тўлади: у ўзига давлат томонидан кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрликларни теран тушунади. Шунинг учун ҳам оқ қорозга тўкилаётган мулоҳазалари тош босади.

Мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Соғлом бола йили” давлат дастурини мен қандай тушунадим?” мавзусидаги иншо-лар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Яқунги босқичда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан сараланган иншо-лар ҳакамлар ҳайъати томонидан ба-ҳоланди.

Халқ таълими ва зирлиги ташаббуси билан ташкил этилган бу кўрик-танловда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб-вояга етиши учун давлатимиз томонидан амалга оширилаётган муқим аҳамиятга молик дастурларга нисбатан ўқувчилар муносабати акс этди. “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ўқувчилар томонидан шарҳланиши, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий воқелигини теран идрок этиши ҳакамлар ҳайъатини ҳайратга soldi.

Ўқувчилар ёзган иншо-ларга назар ташлар эканмиз, уларнинг давлат дастури мазмунини қанчалик чуқур англагани, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, маънавий-маърифий ислохотларни ҳаётий

Ko‘rik-tanlov

мисоллар, бадий ва публицистик асарлар билан боғлашига гувоҳ бўлдик. Улар халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар, ибратли ривоят ва бошқа материаллардан ўринли фойдаланишган. Ҳар бир иншо ўзига хос, тил ва услуб жиҳатидан бир-бирига ўхшамайди. Битта мавзуга турлича ёндашув акс этган.

Кўрик-танлов натижаларига кўра, Урганч шаҳридаги 1-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Гулсал-хон Рўзибоева 1-уринни қўлга киритди. У ёзган иншо мазмундан бойлиги ва ҳаётий мисолларни ўз ўрнида қўлла-

ни билан ҳакамларда катта таассурот қолдирди. 2-ўринга икки нафар ўқувчининг иншо-си муносиб деб топилди: Қарши шаҳридаги 22-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Севара Бозорова ва Навоий шаҳридаги 11-ИДУМнинг 9-синф ўқувчиси Севара Олимова иншо-сида ҳам давлат дастурининг мазмун-моҳияти ҳақида теран фикрлар баён этилган. Бухоро шаҳридаги 38-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Шарофат Ширинова, Олтиариқ туманидаги 1-ИДУМнинг 8-синф ўқувчиси Мафтуна Абдуллаева ҳамда Ҳамза туманидаги 155-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Шоҳсанам Саъдуллаева ёзган иншо-лар эса учинчи ўринга сазовор деб топилди.

Кўрик-танлов ташкилотчилари томонидан фахрий ўрин соҳиблари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Турли номинациялар бўйича голибларга рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Комила УСМОНОВА,
Республика таълим маркази филология фанлари бўлими бош методисти

Етти ёшли болалар умумтаълим мактабларининг 1-синфига

Seminar

тўғридан-тўғри қабул қилинса, олти ёшлилар ота-оналар талабига биноан туман психологик-педагогик ташхис комиссиялари синовидан ўтказилган, мактабга тавсия этилади.

ОЛТИ ЁШЛИ БОЛА МАКТАБГА БОРАДИМИ?

Айни пайтда келгуси ўқув йилига қабул жараёнини ташкил этишга тайёргарлик қизгин бормоқда. Яққасарой туманидаги 144-умумтаълим мактабида «Олти ёшли болаларнинг психологик-педагогик ташхис кўриги фаолияти самарадорлигини ошириш» мавзусида ўтказилган республика ўқув-амалий семинарида шу хусусда сўз борди.

— Олти ёшли болаларни мактабга тайёрлашда психологик-педагогик ташхисдан ўтказишга, уларнинг умуметуклик даражасини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази директори Камол Фафуров. — Семинар иштирокчиларига 2014—2015 ўқув йили қабул жараёнида комиссия иш фаолиятини ташкил этиш меъёrlари ҳақида батафсил маълумот берилди. Шу билан бирга ташхис кўригида қандай усуллардан фойдаланиш лозимлиги, янги ишлаб чиқилган 10дан ортиқ замонавий методикаларни амалда қўллаш, мутахассислар ҳамда амалиётчилар тавсиялари асосида уларни янада такомиллаштириш борасида фикр алмашилди. Эътиборлиси, бу методик қўлланмалар ёрдамида ота-оналар фарзандининг руҳий-интеллектуал салохиятини мустақил равишда текшириб кўриши ҳам мумкин.

Иштирокчилар шўъбаларга бўлинган ҳолда олти ёшли болаларни мактабга тайёрлаш борасида бериладиган тавсиялар билан танишишди. Шунингдек, уларга ташхис кўригида логопед ҳамда педиатр-шифокорнинг вазифалари ҳақида ҳам тушунча берилди.

Гулюз ОРИФЖОНОВА,
“Ma‘rifat” мухбири

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири

Жиззах шаҳридаги 10-умумтаълим мактабида «Таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш: муаммо ва ечимлар» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Конференцияда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг тажрибали ўқитувчилари, етакчи мутахассислари, олимлари иштирок этишди. Тадбирнинг биринчи кунини қатнашчилар 22-ИДУМ, 1-, 8-, 10-умумтаълим мактабларида ташкил этилган очик дарсларни кузатишди.

Иккинчи кунги машғулотлар ялпи йиғилиш тарзида давом этди. «Педагогик инновациялар таълим жараёни сифат ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили», «Педагогика таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари», «Илгор педагогик технологияларни тажриба-тадқиқотдан ўтказиш», «Малака ошириш тизимида фанларни ўқитишда замонавий педагогик ва медиа технологияларидан фойдаланиш» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

— Бугунги глобаллашув даврида соҳага инновациялар дадил кириб келмоқда, — дейди халқ таълими вазири-

нинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Дониёров. — Бу, ўз навбатида, устоз-мураббийлар зиммасига катта масъулият юклайди. Давр билан ҳамнафас қадам ташлаш педагоглардан ижодкорлик, мунтазам изланиш, ўз маҳоратини ошириши тақозо этади. Машғулотларда педагогик ва инновацион технологиялардан мақсадли, ўрнида фойдаланиш муҳим.

«Бола шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим технологиялари», «Ривожлантирувчи таълим технологиялари», «Ўқув-тарбия жараёнини фаоллаштириш ва интенсификация асослари», «Ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқаришга асосланган педагогик технологиялар» ҳамда «Махсус таълим муассасаларида илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш» каби шўъбаларда машғулотлар семинар-тренинг тарзида иш олиб борилди.

— Илгор педагогик усулларни дарс жараёнида қўллаш махсус таълим муассасаларида жуда қўл келади, — дейди Навоий вилоятидаги 25-махсус мактаб-интернат ўқитувчиси Дилрабо Сафоева. — Шўъба йиғилишида касбдошларимнинг илгор тажрибаларидан бохабар бўлдим. Фаолиятимда асқотадиган фойдали маслаҳатлар, педагогик усулларни ўргандим.

Абдусаттор СОДИКОВ,
“Ma‘rifat” мухбири

Konferensiya

2014-yil 30-aprel, № 35 (8684)

Автоулов Дехқонobod тумани марказидан Каттаавжин қишлоғи томон йўлга тушганда кўёш сервиз қорли тоғлар оша заррин нурларини соча бошлаган эди. Қишлоқ йўллари пасту баланд тепаликлар оралаб ўтади. Улов гоҳ юқорига ўрлайди, гоҳ пастга ўрмалайди. Атрофдаги манзаралар машина ойнасидан бир маромда лип-лип этиб ўтаверади. Бу йўллар аро бир нафас хаёлга чўмасан киши. Қайси дир замонлар шу тоғларда алп қоматли Алпомишлар от сурган, гўзаллиги жасоратда тенгсиз Барчинойлар севики ёрни интиқлик билан кутиб, юрак нолаларини чанқовузга солган. Чанқовузнинг «бийранг» нолалари қоялардан қояларга урилиб, акс-садо бериб, ошиқлар кўнглига таскин бўлган. Ха, не-не сиру синоатларга гувоҳ бу тоғу тошлар!..

Мустақиллик йилларида неча минг йиллик тоғлар бағрида ястаниб ётган Дехқонobod янада гўзаллашиб, чиroy очди. Бир ёнда минглаб билимли, касб-хунарли ёшларни ўз бағрига олган Дехқонobod калийли ўғитлар заводи бўй кўрсатса, бир ёнда тоғ дарасини гўмбурлатиб, Тошгузар-Бойсун-Кумкўрган йўналишида поезд манзил томон ошиқади. Шу эмасми, Дехқонobodнинг дунёга юз тутгани?! Шу эмасми, биз орзу қилган нурли манзиллар?!

Изчил ислохотлар туфайли ҳаётимиз кундан-кунга фаровонлашиб, янгича мазмун-моҳият касб этмоқда. Масалан, Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори таълим тизимига янги нафас олиб кирди. Бундан буён болажонларимиз кичиклигидан хорижий тилларни, русуван, инглиз тилини мукамал ўргангани. Бу уларнинг дунё сахнига чиқишига пиллапоё вазифасини ўтайди. Шу боис ҳам қарор ижросини таъминлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Жумладан, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, вилоят халқ таълими ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари ҳамда Қарши давлат университети ҳамкорлигидаги тадбирлар натижасида вилоятда хорижий тил ўргатилмай келинаётган 97та умумтаълим мактаби ҳам олий маълумотли чет тили ўқитувчилари билан таъминланди. Бу борада ёш авлодга билим бериш учун олис ҳудудларга бориб ишлашга тайёр педагогларнинг фидойилиги таҳсинга лойиқ. Шунга яраша уларга қарор асосида қўшимча имтиёзлар ҳам яратиб берилаетир.

Мисол учун, аввал Қарши давлат университети қошидаги 2-академик лицейда фаолият олиб борган Озода Ҳамроева бугун Дехқонobod тумани Каттаавжин қишлоғидаги 60-умумтаълим мактабида ўқувчиларга инглиз тилидан сабоқ бераётти. У илмга чанқоқ қишлоқ ёшларига тил ўргатаётганидан бир қувонса, қишлоқ одамларининг меҳмондўстлигию ширин сўзлигидан яна бир қувонади. Ям-яшил арчазор қоплаган тоғ манзарасию

қишлоқликлар ишончини оқламоғим керак. Бу биринчи галда менинг ўқитувчилик, қолаверса, инсонийлик бурчим.

Қишлоққа бирор нотаниш одам ораласа, дарров сўраб-суриштиришади, кимлигини, мақсад-муддаосини, ниятини билишга ошиқишади. Бу қишлоқ аҳлига хос хушёрлик, дахлдорлик туйғуларидан далолат. Озода Ҳамроева ҳам Каттаавжинга келган кунлари худди шундай саволларга дуч келди. Жумладан, қишлоқ фаоли Болта бобо Холмуродов шундай эслайди:

— Қарийб қирқ йил ўқитувчилик қилдим, йигирма йил мактаб директори вазифасида ишладим. Шахардан чет тили ўқитувчиси

да билан гаплашиб, бунга ишончим янада ортди. Ниҳоятда билимли, тажрибали ўқитувчи экан. Тунов куниневарам Холбекжон «Бобо, мен билан бирга дарс қиласиз, муаллимамиз айтди», деб қолди. Шу баҳона биз ҳам инглизча сўзларни ўрганаяпмиз, болаларимизга кўмаклашаяпмиз. Дарслик китобларини айтмайсизми, ота-оналар учун ҳам қулайликлари бор.

Озода Ҳамроева қишлоқ аҳли ишончини оқлади. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2014» кўрик-танловининг туман босқичида 1-, вилоят босқичида 2-ўринни қўлга кириштириб, Каттаавжинда шундай мактаб борлигини жамоатчиликка эслатиб қўйди.

ШАҲАРЛИК МУАЛЛИМА

чекка қишлоқда ўқувчиларга инглиз тилидан сабоқ бермоқда

аелиман, — дейди куп иллик педагогик тажрибага эга муаллима Озода Ҳамроева. — Эҳтимол, барча шароитлар муҳайё шахарни ташлаб узоқ тоғли худуддаги қишлоқда муаллимлик қилишни айримлар тасаввурига сигдирма олмас. Ўзим ҳам илм ишга келган кунларим қишлоқ шароитига кўниқишга бироз қийналдим. Лекин илмга чанқоқ ёшлар, меҳмондўст одамлар мени мутлақо янги оламга чорлади. Демак, болажонларга бор маҳоратимни ишга солиб, билим бермоғим,

келаркан, деишиганда диллимда бироз шубҳа тугилганди. У қандай муаллим, тайинли оиланинг фарзандими, дея ҳадиққа ҳам бордим. Кейин билсак, қишлоғимизга муаллима эмас, нур кириб келган экан. Нур бўлганда ҳам илм нури. Ҳозир фарзандларимиз, невараларимиз инглизчада тинмай «чуғурлайди». Насиб бўлса, икки-уч йилда билимлар беллашуви, фан олимпиадасида бизнинг ўқувчилар ҳам инглиз тили фанидан голиб бўлса, ажабмас. Озо-

— Келгуси ўқув иилида билимлар беллашуви ҳамда фан олимпиадасида муносиви иштирок этадиган ўқувчиларни тайёрлаш учун астойдил ҳаракат қилаяпман, — дейди у. — Мактабимизда иқтидорли ўқувчилар кўллаб топилади. Улар истеъдодини рўёбга чиқариш учун тинимсиз изланиш лозим, холос. Бугун ёшлар таълим-тарбиясини компьютер технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис машғулотларда АКТлардан фойдаланиши



Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 26-умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг пухта билим олиши учун замонавий шароитлар яратилган.

500 нафарга яқин ўғил-қиз таълим-тарбия олаётган мактабнинг фан кабинетлари замонавий ўқув қуроллари, компьютер тўпламлари билан жиҳозланган. Йигирмадан ортиқ тўғарак ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши, билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлашига хизмат қилаёттир. Ўқувчилар орасида математика, табиатшунослик, айниқса чет тилларини ўрганишга қизиқиш катта.

Суратда: Навбаҳор туманидаги 26-умумтаълим мактабида.

ЎЗА ФОТОМУХБИРИ
Сирож АСЛОНОВ олган сурат.

Қарор ва ижро

кенг йўлга қўйиш зарур.

Каттаавжинликларнинг сеvimли мактаби 2009 йили капитал реконструкция қилинган эди. Барча синфхоналар, кимё, биология, физика лабораториялари, компьютер синфи жаҳон андозалари даражасида жиҳозлангани ўқувчиларнинг чуқур билим олишлари учун хизмат қилмоқда.

— Кадрлар етишмаслиги сабабли туманимиздаги 89та умумтаълим мактабидан 19тасида чет тили ўқитилмасдан келинаётган эди, — дейди туман ХТМФМТЭ бўлими мудир Абдугани Ҳимматов. — Вилоят маркази ва қўшни туманлардан чет тили ўқитувчилари ҳамда олий ўқув юрти битирувчиларини ишга тақлиф этиш орқали ушбу мактабларнинг ҳам маълакали кадрларга бўлган эҳтиёжи қондирилди. Бу борадаги ишлар ўз самарасини бераяпти. Мисол учун, Ғузур туманидан худудимиздаги 50-мактабга ишга тақлиф этилган олий тоифали ўқитувчи Дилфуза Эшпўлатова ҳам «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2014» кўрик-танловининг вилоят босқичида голиб бўлди. Тақлиф этилган барча ўқитувчиларнинг иш ва яшаш шароити доимо эътиборимизда, қўшимча қулайликлар яратиб берилган.

Каттаавжин қишлоғи туман марказидан 65 чақирим олисда жойлашган. Бунинг устига, қишнинг қорли қировли кунларидаги йўл азобини айтмайсизми? Ана шундай қийинчиликларни писанд қилмай узоқ йўл босиб, қишлоқ ёшларига инглиз тилидан сабоқ бериш ниятида келган Озода Ҳамроевнинг ташаббусини ҳақиқий ўзбек аёлининг жасорати десак бўлади. Мактабда қай бир синф ўқувчилари ёки ота-оналар билан суҳбатлашмайлик, шахарлик сеvimли муаллима ҳақида тўлқинланиб гапирари.

Айни пайтда педагогнинг синглиси — рус тили фани ўқитувчиси Дилафрўз Ҳамроева ҳамда ўғли — она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Шаҳбоз Бердиев ҳам шу мактабда ўқувчиларга дарс бермоқда. Улар учун қулай тураржой, зарур шарт-шароит яратиб беришни мактабнинг фидойи раҳбари Абдурасул Ҳакимов ўз зиммасига олган.

60-мактаб ҳаёти билан яқиндан танишиб, педагогик жамоасининг аҳиллиги ва бирдамлигига ҳавасимиз келди. Ишончимиз қомилки, тез орада бу ердан ҳам юртимиз доврўғини дунёга ёйдиган йигит-қизлар етишиш чикади. Улар қалбидаги илм зиёси жаҳон сахнини-да ёритишга қодир бўлади.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Yangiliklarda yurt nafasi



Бахмал туманида янги болалар мусиқа ва санъат мактаби очилди.

Мазкур таълим маскани Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори асосида "Урта Осиё меймор" кенг тармоқли курувчилик корхонаси томонидан жаҳон андозалари даражасида бунёд этилди.

Тумандаги ушбу 6-болалар мусиқа ва санъат мактабида барча шароит яратилган, ўқув-машғулот хоналари замонавий тарзда жиҳозланган. 150 ўринга мўлжалланган мактабда юзга яқин ўқувчи анъанавий икромчилиги, эстрада хонандлиги, ўзбек халқ чолғулари, зарбви ва дамли чолғулар, хор икромчилиги, хореография, тасвирий санъат йўналишларида малакали мураббийлардан сабоқ олмақда.

Элликқалъа туманида "Юрт келажиги — ёшлар кўлида" деб номланган фестивал бўлиб ўтди.

— Фестивалда тўрт минг нафарга яқин ёшлар иштирок этди, — дейди "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Элликқалъа тумани кенгаши раиси Ж.Болтаев. — Бундай тадбирлар самараси ёшларимиз кўлга киритаётган юксак натижаларда ўз ифодасини топомқда. Жумладан, "Қамалка юлдузлари" болалар ижодиёти фестивалининг мамлакат босқичида туманимизнинг "Фантазия" гуруҳи биринчи ўринни эгаллади. Теннис бўйича Дилрабо Отахонова, Фаридаҳон Ҳасанова, Медеу Эрнараров Қорақалпоғистон чемпиони бўлди.

Тадбир доирасида зардўзлик, каштачилик, хунарманчилик билан шуғулланаётган ёшлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмасы бўлиб ўтди.

Бухорода нейрохирургиянинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Япония, Ҳиндистон, Малайзия, Россия, Қозғистон каби мамлакатлардан етакчи мутахассислар иштирок этди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Нейрохирургия илмий маркази ва Нейрохирурглар ассоциацияси томонидан ташкил этилган анжуманда маҳаллий ва хорижий мутахассисларнинг бош ва орқа мия, умуртқа поғонаси касалликлари ва жароҳатлари, Паркинсон касаллигини даволаш, нейрореанимация муаммоларига бағишланган маърузалари тингланди. Ташхис қўйишга янги аёндашув, бош мия аневризмаларини даволашда кенг оқимини тақсимлайдиган стенларни, ўсма жароҳлигида интраоперацион сонография усулларини қўллаш, иккиламчи жароҳатлар профилактикаси, жарроҳлик асоратлари олдини олиш юзасидан ўзаро тажриба алмашилди.

Анжуманда нейрохирургия соҳасидаги халқаро алоқаларни янада ривожлантириш, даволашнинг самарали ва замонавий усулларини кенг татбиқ қилиш, вилоятларда тажрибали шифокор-олимлар иштирокида нейрохирургиянинг барча йўналишлари бўйича маҳорат дарслари ташкил этиш вазифалари белгилаб олинди.

Жиззахда мактаб ўқувчиларининг тасвирий санъат фестивали бўлиб ўтди.

Унда юз нафарга яқин ўқувчининг рангтавсир, наққошлик, бадий тўқувчилик, каштачилик ва тасвирий санъатнинг бошқа йўналишлари бўйича ижодий ишлари намойиш этилди.

— Мактабимизда турли санъат байрамлари, кўргазма ва кўрик-танловлар ўтказилаётгани ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Ўзбекистон Бадий академиясига қарашли вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати директори Саидхон Сулаймонов. — Бугунги тадбирлар, айниқса, таниқли мусабирлар, ҳайкалтарош ва наққошлар билан учрашувлар ўқувчиларнинг санъатга бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қилади.

Фестиваль якунида санъатнинг турли йўналишлари бўйича танловлар ўтказилди. Ўқувчилар ижоди таниқли санъатшунос-лар, мутахассислар томонидан баҳоланиб, танлов голиблари, фаол иштирокчилар диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

"Менинг бизнес-гоям" республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган танловда лицей ва коллежларнинг 150 нафар битирувчиси ўз бизнес-режаси, таклиф ва лойиҳалари билан иштирок этди.

— Танловда асаларичилик тармоғини йўлга қўйиш лойиҳаси билан қатнашдим, — дейди Паркент агросаноат ва сервис касб-хунара коллежи битирувчиси Мурод Мираъзамов. — Бизнес-гоямнинг амалга оширилиши асаларичилик ва бол қадқолашни янада ривожлантириш, ўн нафардан зиёд йигит-қизини доимий иш билан таъминлаш имконини беради.

Тадбирда сажиз нафар битирувчи танловнинг мамлакат босқичига йўллана олди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Либос — инсон зийнати

Миллий маданиятимиз, қадрият ва урф-одатларимиз асосида яратилаётган либослар мода оламида ўз ўрнини топомқда. «Ўзбекенгилсаноат» ДАК, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ва Милан политехника университети (Италия) билан ҳамкорликда ташкил этилган халқаро семинар-тренинг соҳада фаолият юритаётган мутахассислар малакасини ошириш, талабалар билминини бойитишга хизмат қилди.

Тўрт кунлик семинарнинг илк машғулооти Милан политехника университети профессори Анжело Саббионининг «2014-2015 йиллар мавсуми: болалар кийимидagi дунё модасининг истиқболли йўналиши ва янги трендлар» мавзусидаги тақдироти билан бошланди.

— Мавсумда қандай кийимлар урф бўлиши сўровнома орқали аниқланади, болаларнинг қизиқишлари ўрганилади, — дейди Анжело

Саббиони. — Шунингдек, классик услубга, эртақлардаги образларга ҳам кўп мурожаат этилади. Муҳими, болалар учун яратилган дизайн қулайлик туғдириши керак.

— Милан политехника университети билан икки йилдан бери шартнома асосида ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз, — дейди Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг «Либос дизайни» кафедраси мудири Умида Воҳидова. — Миланга бориб, дизайн соҳасида ўқитиш услубини ўргандик. Ҳамкорларимизда ҳам бизнинг тажрибамиз билан танишиш истаги пайдо бўлди. Умуман олганда, ҳамкорлигимиз икки томонлама манфаатли кечмоқда.

Семинар доирасида «Баҳорий кайфият» катталар ва болалар учун замонавий ва миллий либослар кўргазмаси ўтказилиши режалаштирилган.

Санобар ЖУМАНОВА, «Ma'rifat» мухбири

Архитектура тараққиёти мустаҳкам ҳамкорлик асосида қурилади

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида Париж архитектура мактаби вакили Пьер Лефеврнинг «Архитектуранинг барқарор шахар ривожланишидаги хизмати» мавзусидаги амалий ишлар кўргазмаси очилди.

Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси маданий ҳамкорлик бўлими ташаббуси билан ташкил этилган кўргазмада бўлим вакиллари, Версал давлат архитектура институти мутахассислари ҳамда СамДАКнинг профессор-ўқитувчи ва талабалари иштирок этди.

Дастлаб иштирокчилар институт тарихи ва унда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг соҳага оид излавишлари билан танишишди. Дунёнинг етакчи архитектура мактаблари билан ҳамкорлик

да ишлаб чиқилаётган лойиҳалар, илмий тадқиқотлар ва таълимга жорий қилинаётган янгилıklar ҳақида маълумот олишди.

— Айни вақтда Тошкент архитектура-қурилиш институти билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиб, соҳада самарали изланишлар олиб бормоқдамиз, — дейди Версал давлат архитектура институти директори Вэнсан Мишель. — Узинишлари билан танишишди. Дунёнинг етакчи архитектура мактаблари билан бутун дунёга машҳур Самарқандга келиш ва мил-

лий меъморчилик санъати билан яқинроқ танишишга муюссар бўлганидан бахтиёрман. Айниқса, миллийлик ва замонавийликни ўзида мұжассамлаштирган меъморчилик шахар кўрғига кўрк қўшиб тургани эътирофга лойиқ. Кўргазма ўзаро тажриба алмашишимизда муҳим қадам бўлиб, келажакда мустаҳкам ҳамкорлигимизга асос бўлади.

Кўргазманинг очилиш маросимида Франция архитекторлари томонидан лойиҳалаштирилган биноларнинг афзалликлари тўғрисида иштирокчиларга атрофда маълумот берилди.

Ҳақим ЖҮРАЕВ, «Ma'rifat» мухбири

Нутқ байрами

Салтанат подшоши яккаю ягона дилбанди — маликанинг тили чучуклигидан оҳ чекиб, сарой сехргарини ҳузурга қорлабди ва унга қизини даволашни буюрди. Сехргар малика билан суҳбатлашиб, дугоналарининг исмини сўраганда уялиб, тортиниб шундай жавоб қилибди:

— Найгиза, Байно, Йиода.....

Пойтахтимиздаги 173-умумий ўрта таълим мактабида Чилонзор туман логопедлари иштирокида ўтказилган нутқ байрами бошланғич синф ўқувчилари томонидан ижро этилган ушбу саҳна кўриниши билан бошланди. Тадбирда болалар нутқини ривожлантирувчи артикуляцион, тил ва нафас машқлари, оғзаки нутқдаги нуқсонлар, жумладан, айрим товушларни талаффуз қила олмайдиган ёки тўтилиб гапириш ҳолатларини тўлиқ бартараф этишга кўмак берадиган, тил ва лабини ҳаракатлантирувчи ўйин-

ларни дарсда татбиқ этиш усули монитор орқали намойиш этилди.

— Бола нутқи тўрт ёшгача тўлиқ ривожланади. 1—2-синф ўқувчилари нутқидagi нуқсонини тўзатишда асосан уларни гуруҳларга ажратиб, товушларни такрорлаш, шунингдек, «Мураббо ялаймиз», «От юргизамиз» усулларини қўлланган, — дейди мактаб логопеди Маулада Ботирова. — «Кўзиқоринча», «Белқурак» ўйинида тил ва лаб орқали улар шаклини ҳосил қилиш, тилни юқорига, пастга йўналтириш машқлари эса муайян сўздаги тушириб қолдирилган товушларни ўрнига қўйиб, аниқ ва равоан талаффуз қилишга ёрдам бермоқда.

Саҳна кўриниши якунида нутқи равонлашган малика «Урғу», «Баҳор», «Муаллим» шеърларини «сарой аҳли»га тўтилмасдан, ифодали тарзда ўқиб берди ва устози — сехргарга раҳмат айтди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ, «Ma'rifat» мухбири

Юлдузлар илмининг даҳоси

Самарқанд давлат университетига Ўзбекистон фанлар академияси Астрономия институти билан ҳамкорликда буюк мутафаккир олим, давлат ва жамоат арбоби Мирзо Улуғбек таваллудининг 620 йиллигига бағишланган семинар ўтказилди.

Семинарда Мирзо Улуғбек қолдирган бой мерос, унинг аниқ фанлар соҳасидаги фаолияти, жумладан, астрономия олими ривожидagi хизматлари алоҳида таъкидланди.

— Бутун дунёда буюк бобоимизнинг бой илмий меросига ҳурмат-эҳтиром, қизиқиш ҳамиша юқори бўлиб келган, — дейди Астрономия институти

директори Шухрат Эгамбердиев. — Айниқса, унинг умумбашари йил-фан цивилизациясига кўшган улкан ҳиссаси авлодлар қалбини фахр-ифтихорга тўлдирди ва уларни шунга муносиб бўлишга ундайди.

Семинарнинг ялли йигилишида мамлакатимизда астрономия соҳасида эришилаётган ютуқлар, муаммо ва камчилик-

лар муҳокама этилди. Шунингдек, ЎзФА ва СамДУ профессор-ўқитувчилари ҳамда ёш илмий ходимларнинг «Астрономик дастурлардан фойдаланиш», «Кўёш — энг яқин юлдуз», «Замонавий фотометрик усуллар ва қузатувларни ташкил этиш» каби мавзулардаги маърузалари тингланди.

Анжуман якунида маърузачиларга ташкилотчиларнинг сертификатлари топширилиб, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига сажаат уюштирилди.

МУХБИРИМИЗ

Қасбим — келажаким

Олмасор туманидаги 298-мактабда Тошкент шахар халқ таълими ва ўрта махсус, касб-хунара таълими бошқармалари ҳамкорлигида 9-синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш мақсадида «Мен танлаган касб — менинг келажаким» мавзусида амалий семинар ташкил этилди.

— Жорий ўқув йилида 26300 нафар ўқувчи пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомламоқда, — дейди Юнусобод тумани ХТМФМТТЭ бўлимининг ўқувчиларни касбга йўналтириш кичик гуруҳи раҳбари Ди-

лором Исмоилова. — Уларни касб-хунарага тўғри йўналтиришга қаратилган тадбирларда тажрибали ўқитувчи, психолог, касб-хунарага йўналтирувчи мутахассислар томонидан очик дарс, давра суҳбати, тренинг машғулооти ва ишлаб чиқариш корхона мутахассислари билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Тадбирда қурилиш, ишлаб чиқариш, муҳандислик ва ишлов бериш йўналишлари бўйича ташкил этилган касблар кўргазмаси ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Маърифат ТЕМУРЗОДА, «Ma'rifat» мухбири

2014-yil 30-aprel, № 35 (8684)

Шу кунларда пойтахтимизда беллашувнинг якуний босқичига жиддий ҳозирлик кўрилмоқда. Фан ўқитувчилари ўз шоғирдларининг билимларини янада бойитишга, бахсларга руҳий жиҳатдан пухта тайёрлашга киришган. Жараёнга туманлардаги тажрибали фан ўқитувчилари ҳам жалб этилган.

— Бу ўқув йилида амалиётчи педагоглар ва мутахассислар тавсиялари асосида Халқ таълими вазирлиги томонидан билимлар беллашуви низоми ҳамда баҳолаш мезонлари янада такомиллаштирилгани боис мусобақалар ҳар доимидан ҳам кизгин ўтапти, — дейди Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг давлат таълим стандартлари мониторинги бўлими бошлиғи Гулзахро Турсунметова. — Хусусан, янги қўбдага мувофиқ, она тили ва адабиёт ҳамда математика фанларидан иштирок этган 5-синф ўқувчилари беллашуви шашар босқичидаёқ яқунлаб, голиблар номи аниқланди. Авалгалардан фарқи ўларок, бу йил чет тили (инглиз, немис, француз тили) фанидан 7-синф ўқувчилари ҳам бахсларга қўшилди. Бу Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда ўғил-қизларнинг қизиқишларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Иختисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари ўқувчилари мактаб босқичидан сўнг тўғридан-тўғри шашар босқичида иштирок этгани, улар учун саволлар чуқурлаштирилган ўқув дастурларига мос тузилгани ҳам беллашувлар савиясини кўтарди. Масалан, математика фани бўйича шаҳар босқичида қатнашган 20 ўқувчидан 9 нафари 90 балдан юқори натижа кўрсатган бўлса, чет тиллар, хусусан, инглиз тили фанидан ишти-

БИЛИМДОНЛАРНИНГ НУФУЗЛИ МУСОБАҚАСИ

республика босқичига ўқувчилар қизғин тайёргарлик кўрмоқда

Умумтаълим мактабларининг 5-8-синф ўқувчилари ўртасида бу йил тўртинчи бор ўтказилаётган билимлар беллашуви тобора билимдонларнинг нуфузли мусобақасига айланмоқда. Бахсларда иштирок этиш учун ўқувчилар йил давомида жиддий тайёргарлик кураётгани, барча босқичларда рақобат кучайиб бораётгани, фанлардан

қайд этилаётган ўртача баллар йилдан-йилга ўсаётгани бунга тасдиқлайди. Биргина Тошкент шаҳри мисолида оладиган бўлсак, 15та умумтаълим фанидан 519 ўқувчи қатнашган беллашувлар қизғин ва муросазлиги билан ажралиб турди. Якуний натижаларга кўра, голибликни қўлга киритган 36 ўқувчи республика босқичига йўлланма олди.

рокчилар тўплаган ўртача балл 85, она тили фанидан 80 балдан ортиқни ташкил этди.

Ўқувчиларнинг билимлар беллашувидаги кўрсаткичлари таълим муассасалари рейтингини белгилашда муҳим ўрин тутгани боис ўқитувчилар ҳам ўғил-қизларни синонга тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратмоқда, мактаблар ўртасида соғлом рақобат муҳити ривожланапти. Бу йил уч нафар ўқувчиси беллашувнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган Чилонзор туманидаги 162-умумтаълим мактабида бўлганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

— Мактабимиз 2006 йили иختисослаштирилиб, айрим синфларда француз тили фани чуқурлаштириб ўтила бошлади, — дейди директор вазифасини бажарувчи Санам Ражабова. — Уч йилдан бери туманда тажриба-синов майдончаси сифатида белгилашиб, илгор педагогик технологиялар асосида намунавий очик дарслар ташкил қилинапти. Ўқувчилар билан чет тилдан қўшимча машғулотлар ўтказишга катта эътибор қаратганмиз. Бунинг натижа-

сида ҳар йили 2-3 ўқувчимиз билимлар беллашуви ва фан олимпиадасида муваффақиятли иштирок этиб, мактабимиз нуфузини кўтармоқда. Масалан, бу йил 8-синф ўқувчиси Акмал Баходиров ва 6-синф ўқувчиси Иброҳим Ташпўлатов француз тили, 7-синф ўқувчиси Абдумул Абдуғафуров тарих фанидан билимлар беллашувининг якуний босқичида иштирок этадиган бўлди.

Jarayon

Бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ, албатта. Ҳаммаси муассасида таълим-тарбия жараёни оқилона ташкил этилгани ва 1225 ўқувчига фан сирларини ўргатаётган 69 педагогнинг касбий маҳорати маҳсулидир. Тарих фани ўқитувчиси Дилшода Норбоева ўтган йили «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўриктанловининг Тошкент шаҳар босқичида 2-, бу йил 1-ўринни эгаллади. Француз тили фани муаллимаси Ширин Ниёзметова 2014 йили «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» номига мушарраф бўлди. Мазкур эътирофлар бежиз эмаслиги-

ни шоғирдлари амалда кўрсатмоқда.

— Билимлар беллашувининг мактаб босқичида 339 нафар ўқувчимиз иштирок этди. Дарсдан ташқари вақтларда ўзлаштирилиши қийин мазмулардан қўшимча машғулотлар ўтказилиб, ихтиёрий равишда барча ўқувчиларнинг қатнашиши учун шароит яратилди. Натижада туман беллашувларида қатнашган энг сара 31 ўқувчимиздан 6 нафари барча тенгдошларидан кўп балл жамғариб, шаҳар босқичига йўл олди ва 3 ўқувчи голиблар сафига қўшилди, — дейди директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, мактаб мониторинг гуруҳи раҳбари Нодира Файзиева. — Албатта, таълим-тарбияда педагогик тажрибанинг ўрнини инкор этиб бўлмайди. Аммо, назаримда, ёш ўқитувчилар шижоати, билими, замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан хабардорлиги бугунги кун ўқувчилари талабини кўпроқ қондиради. Шу сабабданми, асосан ёш ва интилувчан ўқитувчилардан таълим-тарбия олаётган ўғил-қизларимиз мусобақаларда яхши натижа қайд этаётди.

Фарзандларининг ютуғидан ота-оналар ҳам мамнун. Улар устозлар маслаҳатига таяниб, болалари билан ишлашга алоҳида вақт ажратмоқда. Мактабдаги дарсдан ташқари қўшимча машғулотларда эса ўқувчилар тест ечиш, ахборот-коммуникация воситаларида ишлаш, чет тилида аудиоёзувларни тинглаб, оғзаки сўзлаб бериш, француз тили грамматикасини такрорлашга жалб этилган. Эътиборлиси, қўшимча машғулотларда бошқа кўнгилли ўқувчилар ҳам қатнашмоқда. Ёш муаллима Ширин Ниёзметованинг айтишича, бу уларни ҳам ўз устида жиддийроқ ишлашга, чуқур билим олиб, келгуси йилларда голиблик учун курашишга ундайди.

Мактаб психолоғи махсус тренинглари асосида ўқувчиларни нуфузли беллашувга руҳан тайёрлаб бормоқда. Бундан ташқари, болаларнинг руҳини кўтариш, рағбатлантириш мақсадида мактабда байронтан тадбири ўтказилиб, беллашувнинг барча босқичларида намунали иштирок этган, айниқса, шаҳарда 1-ўринни эгаллаган ўқувчилар туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

— Ўқувчиларимиз билимлар беллашувининг республика босқичида ҳам голиб бўлишига ишонаялғимиз, — дейди Санам Ражабова. — Чунки улар ҳар жиҳатдан бунга лойиқ.

Мамлакатимиздаги қўллаб-қувватлашга маъмурий рағбат берилган мактабларда нуфузли беллашувга ҳозирлик шу тарихда жадал кетмоқда. Кўзида ўт чақнаб, ўз билимига ва келажигига ишонч билан боқаятган ўқувчи борки, бахсларда энг биринчи бўлишни хоҳлайди. Беллашувда эса омад қўчиларга, билимчиларга кулиб боқади.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

ҲАР БИР ЎҚУВЧИ «Е-МАКТАВ» НАЗОРАТИДА

Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш, ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали таълим самарадорлигини ошириш, ўқув муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базисини мустаҳкамлаш борасида қатор лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази томонидан 2010 йилда жорий этилган электрон дастур Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва «Маҳалла» хайрия жамоат фондунинг 2013 йил 2 майдаги қўшма қарорига асосан такомиллаштирилиб, «E-Maktab» номи билан амалиётга татбиқ қилинди.

Тизимга киритилган янгилик навбатдаги ўзгаришларнинг дечбачиси ҳисобланади. Айниқса, энг чекка ҳудуддаги таълим муассасалари учун бу каби дастурлар айни муддаодир.

— Жойларда интернет тизимининг ишлаш тезлиги ва бошқа маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб, дастурнинг муқобил варианты ҳам яратилди. Бу — компьютерга дастурий таъминотни ўрнатиш орқали ҳам маълумот киритиш имконини беради, — дейди Республика ташхис маркази директорининг ўринбосари Қамолдин Жўрабоев. — «E-Maktab» электрон дастури ёрдамида мамлакатимиздаги жами 4,5 миллиондан зиёд ўқувчи (1-синфдан 9-синфгача) ҳақида тўлиқ ахборот олиш ва таҳлил қилиш мумкин. Ушбу дастур умумтаълим мактабларининг амалиётчи психолог-педа-

гоглари талаб ва тақлифларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилиб, мавжуд муаммоларга ечим бўлди.

Эндиликда 9-синф битирувчиларининг қайси академик лицей ёки касб-хунар коллежиди ўқишни давом эттириш истагини билдиргани тўғрисидаги сўровнома натижалари дастур базисининг «Битирувчи» бўлимига жойлаштириб борилади. Яъни, ўқувчининг танлаган йўналиши, ҳужжатларини қайси академик лицей ёки касб-хунар коллежиги топширгани, мактабдан мактабга, бошқа туман, вилоят ёки республикадан ташқарига кўчгани ҳақидаги маълумотлар ҳам акс этиб туради. Бу ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш ишларини сифатли ташкил этиш, бу борадаги чалғишларни бартараф этиш им-

конини беради. Бундан ташқари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилинган ўқувчиларнинг дарслардаги иштирокини назорат қилиш, уйда яқка тартибда таълим олаётган болалар, кам таъминланган оила фарзандларига моддий ёрдамлар ташкил қилиш, биринчи синфга қабул қилинаётган ўқувчиларнинг аниқ сонини билиш ва бошқа қўшимча маълумотларни тўплашда қатор қўлайлиқлар яратди.

Республика ташхис марказининг Тошкент вилояти бўйича вакили Нигора Холхўжаеванинг айтишича, дастур турли спорт мусобақалари ва танловларда қатнашяётган иштирокчининг ёшини кичрайтириш, мактаби, синфини ўзгартириш (ихтисослаштирилган ёки спорт мактаб-интернати ўқувчиси сонини оддий мактаб ўқувчиси деб кўрсатиш), шаҳодатномани сохталаштириш каби қоидабuzарликларнинг олдини олишда ҳам қўл келади.

Дастурдан фойдаланиш ҳуқуқига эга муассасалар учун махсус веб-кабинет ташкил қилинган бўлиб, маълумотлар логин ва парол билан ҳимояланган. Электрон дастурдаги ўқувчилар рўйхати мактаб директорини томонидан тақдим этилади. Ундаги

ўзгаришларни ранглар мутаносиблигида ҳам билиб олиш мумкин. Жумладан, ўқувчилар сони рўйхатда кўрсатилгандек бўлса, дастур автоматик равишда яшил, ортиқчасини кўк, камлигини сариқ рангга изохлаб туради.

— Электрон дастур орқали ўқув-методик адабиётлар, синф ва тўғрақ журналларига буюртма бериш ҳам мумкин, — дейди Зангиота туманидаги 40-умумтаълим мактаби директорини Мастура Носирова. — Бу буюртмани шакллантиришга кетадиган вақтимизни тежашда асқотаяпти. Аниқлиги ва ишончилиги ҳам юқори.

Шу кунларда Республика ташхис маркази мутахассислари электрон базадаги маълумотларни таҳлил қилиб, битирувчиларнинг ўқишни давом эттириш талабига қараб, қуйи ўринда турган академик лицей ва касб-хунар коллежларининг рейтингини кўтариш борасида иш олиб бормоқда.

Таълим муассасалари «E-maktab» электрон дастурдан фойдаланишга оид қўшимча маълумотларни Республика ташхис марказининг www.tashxis.uz расмий веб-сайтидан ҳам олишлари мумкин.

Маҳбуба КАРИМОВА,
«Ma'rifat» мухбири

3-синф ўқувчиларига кўшиш, айириш ва кўпайтиришни ўргатиш нисбатан осон кечади. Улар 2-синфда ўтилган икки хонали сонларни кўшиш ва айириш бўйича олган билим ва кўникмаларини уч хонали сонларга қийналмай табиқ этадилар ва мавзунни осон ўзлаштиради. Лекин баъзи ўқувчилар бўлиш амалини бажаришда қийинчиликка дуч келади. Хусусан, бу икки ёки уч хонали сонларни айнан шундай сонларга бўлишда, бўлинмадаги рақамларни чамалаб топишда кузатилади. Уч хонали ёки икки хонали сонларни бир хонали сонга бўлиш нисбатан осон. Чунки 10 ичида бўлган сонларни 2, 3, 4, 5 каби сонларга бўлишни ўқувчи уч йиллик малакасига таяниб бемалол бажаради. Бироқ, ўзингиз ўйлаб кўринг, «200нинг ичида неча 16 бор?» деган саволга ёши катта киши ҳам бирданига жавоб бера олмаслиги мумкин. 2-синфдан бўлиш амалининг содда кўринишларини бажариб келаётган ўқувчилар 3-синфнинг 4-чорагида ана шундай мураккаб вазиятларга дуч кела бошлайди. Дарсликда ҳар бир мавзунни тушунтириш технологияси келтирилган. Аммо белгиланган саҳифалар ранг-баранг усулларга батафсил тўхталиб ўтишга имкон бермайди. Изланувчан педагог бундай кўшимча манбаларни «Дарслик билан ишлаш» мавзусида ёзилган бошқа адабиётлардан олиши мумкин.

Йирик сонларни бир хонали сонга бўлиш 3-синф ўқувчиси учун мураккаб эмас, қийинроғи уларни икки ёки уч хонали сонга бўлиш. Чунки уларда математик

БЎЛИШ АМАЛИ

ўқувчилар учун тўсиқ деворга айланиб қолмасин

кобилият эндигина шаклланиб келаётгани боис, хаёлида чамалаб бўлишни уddалай олмайдилар. Натижада, ўқитувчининг чамалаш ҳақидаги оғзаки маслаҳати ўқувчига ёрдам бериш ўрнига, уни бутунлай чалқатириб юбориши ҳам мумкин. Шу боис ўқитувчиларимизга уч хонали сонларни бўлиш мавзусига доир ўзига хос усулни тавсия қиламиз. Мазкур усул бўлиш амалини бажаришда аниқ бир алгоритмга таяниб иш тутишига туртки бўлади, деган умиддамиз. Бунда бўлинувчи икки ёки уч хонали эканининг аҳамияти йўқ. Масалан, $(91:13)=$ ёки уч хонали $(708:118=)$ каби мисоллар бўлиши мумкин. Натижа бўлиб чиқиши кутилаётган бир хонали сон маълум бир кетма-кетликка танлаш усули ёрдамида топилади. Бунинг учун кўпайтириш жадвали ёрдамида бўлинмага тўғри келадиган рақамларни (2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9) қўйиб кўрамиз. Дастлаб қайси рақамдан энг олдин фойдаланиш мумкин, деган савол туғилади. Балки ҳамма рақамларни таваккалига кетма-кет қўйиб кўриш керакдир. Йўқ, бу кўп вақтимизни олиб кўяди. Шу боис биз ўртадаги 5 рақамини оламиз. Мана, масалан, 91 сонини 13 га бўладиган бўлсак. Дастлаб 5тадан бериб кўрамиз.

$$\begin{array}{r} 91:13 \\ 65 \\ \hline 26 \end{array}$$

Демак, 13 сонини 5 га кўпайтирганимизда, 65 чиқди. Бу рақам 91 дан анча кичик. Демак, жавоб 5 дан каттароқ сон. Шу боис, энди 6 ни эмас, балки ундан битта катта рақам — 7 ни оламиз.

O'qituvchiga yordam

$$\begin{array}{r} 91:13 \\ 91 \\ \hline 0 \end{array}$$

Кўриб турганингиздек, мазкур мисолда ўқувчи аниқ ҳаракат билан жавобни топишга уринди ва топди. Энди эса 5 дан кичик жавоб чиқадиган мисолни кўриб чиқамиз.

Масалан, 654 сонини 218 га бўлишимиз керак. Бунинг учун яна юқоридаги каби ўрталик рақам 5 ни танлаймиз.

$$\begin{array}{r} 654:218 \\ 1090 \\ \hline 5 \end{array}$$

218 сонининг 5 га кўпайтмаси 641 дан ошиб кетди. Демак, мазкур жавобнинг ўзиёқ тўғри жавоб 5 дан кичик рақам эканини аниқлаб турибди. Қоидага кўра, 5 дан кичик 4ни эмас, балки ундан ҳам битта кам 3 рақамини оламиз.

ЎҚУВЧИЛАР ЎЗЛАШТИРИШИ

у қандай ҳисоб-китоб қилинади?

Ўқувчининг ўзлаштиришини доимий равишда назорат қилиш ҳар бир ўқитувчи ва раҳбарнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Улар ўқувчининг билими ортиб бораётгани ёхуд пастлашиб бораётганига қараб зарурий чоралар кўриши керак. Айни пайтда ўқувчи билимини фақат оралиқ назоратлар ёрдамида текширамай ёки назорат қиламиз. Оралиқ назоратлардан яхши баҳо олса, шу билан кифояланамиз, аммо бу етарли бўлмаслиги мумкин. Масалан, биринчи оралиқ назоратда 30 нафар ўқувчи иштирок этиб, уларнинг ўртача ўзлаштириш сифати 81 фоизни ташкил этган бўлса-ю, иккинчи назоратда 27 ўқувчи қатнашиб ўзлаштириши 79 фоиз бўлса:

дарс орасидаги фарқни ҳам шу формула ёрдамида аниқлаш мумкин. Масалан, бирор фандан дарс берадиган ўқитувчининг ихтиёрий иккита дарсини оламиз. Биринчи дарсда топшириқлар 10 нафар ўқувчидан, иккинчи дарсда 8 нафар ўқувчидан сўралган бўлса ва биринчи дарсда жами 46 балл, иккинчи дарсда 37 балл қўйилгани аниқланса, у ҳолда қуйидаги натижага эга бўламиз:

$$S=(46/50) \cdot 100=92 \text{ фоиз;}$$

$$S=(37/40) \cdot 100=92,5 \text{ фоиз.}$$

Натижадан кўриниб турибдики, иккинчи дарс натижаси

юқорироқ, яъни 0,5 фоизга кўпроқ. Демак, ўқитувчи дарсининг сифати ва самарадорлиги ошиб бормоқда. Агар аксинча бўлса, дарс

Sinab ko'ring

| Назоратлар | «5» олганлар | «4» олганлар | «3» олганлар | Жами |
|------------|--------------|--------------|--------------|------|
| 1 о/н | 10 | 12 | 8 | 122 |
| 2 о/н | 8 | 10 | 9 | 107 |

1. Ўзлаштириш сифати = $122/150 \cdot 100=81$ фоиз.

2. Ўзлаштириш сифати = $107/135 \cdot 100=79$ фоиз.

Бу кўрсаткичларни формула орқали ифодаласак:

$$S=(5a+4b+3c)/d \cdot 100 \text{ шаклда бўлади.}$$

$$A - \text{«5» олган ўқувчилар сони}$$

$$B - \text{«4» олган ўқувчилар сони}$$

$$C - \text{«3» олган ўқувчилар сони}$$

D — максимал балл (барча ўқувчилар «5» олганда)

Формула ёрдамида юқорида кўрсатилган назоратни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$S=(5 \cdot 10+4 \cdot 12+3 \cdot 8)/150 \cdot 100=122/150 \cdot 100=81 \text{ фоиз.}$$

Ўқитувчининг дарс сифати ва самарадорлигини ифодалаш, зарурат бўлиб қолса, икки

сифати ва самарадорлиги камайиб боради ва бунинг олдини олиш учун зарурий чора кўриш лозим. Юқорида кўрсатилган формула асосида ҳар бир ўқувчининг билимини ҳам назорат қилиш мумкин. Масалан, ўқувчи семестр давомида бта фандан «5» баҳо, 8та фандан «4» баҳо ва бта фандан «3» баҳо олган бўлса, формула асосида қуйидаги натижага эга бўламиз.

$$S=(5 \cdot 6+4 \cdot 8+3 \cdot 6)/100 \cdot 100=80 \text{ фоиз}$$

Демак, ўқувчининг ўзлаштириш даражаси 80 фоизга тенг экан.

Неъматулла СУННАТУЛЛАЕВ,
Сўх агросаноат касб-хунар коллежи
директори ўринбосари,

Раҳимберди ТОШМАТОВ,

коллек психологи

Муборак саноат касб-хунар коллежи воҳадаги кўплаб ёшлар ўқиш истагини билдирадиган таълим масканларидан биридир. Айни пайтда коллежда 95 нафар ўқитувчи-мураббий 1589 нафар ўқувчига бой таъриба ва янги педагогик тех-



МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР МАСКАНИ

нологиялар асосида дарс берилмоқда. Касб-хунар ўрганиш, пухта билим олиш учун таълим масканида барча шароит яратилган. Жумладан, компьютер, ўқув-лаборатория хоналари замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланган. Ўқувчилар дарсдан бўш вақтларини фан, спорт ва бошқа йўналишдаги тўғаракларда мазмунли ўтказишади.

Коллеж кўшимча даромад манбаига ҳам эга. Иссиқхонада етиштирилган, ўқув-амалиёт таъриба чеҳида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар шартнома асосида талабгорларга етказилиб, тушган маблағ эвазига ишчи-ходимлар ва фаол ўқувчилар рағбатлантирилмоқда.

— Ўқувчиларни кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаб, дунёда рўй бераётган воқеалардан бохабар бўлиб камолга етказиш асосий

мақсадимиздир, — дейди коллеж директори Рустам Баротов. — Битирувчиларнинг назарий билимларини корхона-ташкилотларда амалиёт чоғи янада мустаҳкамлаши, келгусида барқарор иш билан таъминланиши бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Чунончи, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Муборакнефтгаз, электр тармоғи ва газ таъминоти корхоналари билан яқин ҳамкорлик ўрнатганимиз. Ўқувчиларимиз мазкур корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўтаб, касбий кўникмасини пухта эгаллашга ҳаракат қилишаяпти.

Суратда: автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ишлаб чиқариш таълими устаси Тошмурад Қобулов автомобилнинг совитиши тизимини тушунтираяпти.

Абдусаттор БУРҲОНОВ,
Чилонзор туманидаги
200-мактабнинг олий тоифали
математика фани ўқитувчиси,
3-синф «Математика» дарслиги
муаллифи

Зиқрулла РАҲМАТУЛЛАЕВ
олган сурат.

2014-yil 30-aprel, № 35 (8684)

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисми бўлган олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятининг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга эҳтиёжини қондиришга, шахсининг ижодий таълим касб-хунар эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган. «Таълим тўғрисида»ги қонунга кўра мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш; касб таълими тизими учун олий малакали илмий-педагог кадрларни ҳамда илгор педагогик технологиялар соҳасида илмий кадрларни устувор равишда тайёрлаш; ривожланган мамлакатларнинг илгор таълим муассасалари ва илмий марказларида устувор йўналишлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашни учун шaroитлар яратиб бериш; фан, технология ва таълим соҳасида ривожланган мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш каби тамойиллар олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг устувор вазифалари этиб белгилаб қўйилган.

Амалиётга жорий этилган олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими баркамол авлодни тарбиялашга, диссертация тадқиқотларининг илмий-амалий аҳамияти ва сифатини оширишга, олим-мутахассислар ва ёшларимизнинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда иқтисодий ва демократик ислохотларнинг устувор вазифаларини муваффақиятли амалга оширишдаги муносиб ўрнини янада оширишга, олимларнинг жамиятимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссаси-

дунёнинг ривожланган давлатларида ўсимликларнинг турли омилларга чидамликка потенциални ошириш бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда. Шу маънода, мен ҳам устозларим кўмагида ўсимликларнинг турли касалликларга чидамли навларини яратиш борасида изланаяпман. Айни пайтда энг катта янгиликларимиздан бири шуки, гўзанинг шўр ва кургоқчиликка чидамли генларидан бирини аниқладик. Ушбу генни модел ўсимликларда тўла қўллаш функцияси устида

Izlanish va imkoniyat

қарши чора кўришда ёрдам беради. Бугунги кунда «Иновацион биотехнологияларни ривожлантириш учун қишлоқ хўжалиги экинларининг геномларини тадқиқ қилиш» ва «Маркерларга асосланган селекция, генларни пирамидалаш ва генинженерлигидан фойдаланиб, гўзанинг генетик бойитилган генотипларини олиш ва такомиллаштириш» лойиҳалари устида изланишларни давом эттираяпман.

Марказда ёш олимларнинг изланишларини рағбатлантириш мақсадида «Энг яхши илмий мақола», «Энг яхши инновацион го» каби танловлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бу каби танловларда голиб бўлган ёш изланувчиларнинг Оролбўйидаги ноқулай экологик вазиятни барқарорлаштириш, пахта генига таъсир этиш орқали ҳосилдорликни ошириш методикаси, ноанъанавий кўёш энергиясидан фойдаланиш батареялари, инсоннинг қон таҳлили орқали геном паспортини яратиш технологияси каби инновацион ихтиролари ишлаб чиқаришга татиб этилди.

АРПАБОДИЁНДАН АТИР ОЛИНАДИ

Юртимизда ёшлар камолоти йўлида амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида таълим-тарбияда улкан муваффақиятларга эришилмоқда. Айниқса, олий таълим тизимида олиб борилаётган изланишлар алоҳида аҳамиятга эга. Тизимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув лабораторияларини замонавий жиҳозлар билан таъминлашга қаратилган эътибор тўғрисида талаба-ёшлар илмий изланишлари натижасида улкан ютуқларни қўлга киритишмоқда.

Самарқанд давлат университети магистранти Абдуқодир Муҳаммадиевнинг илмий изланишларини ҳам ана шундай ютуқлар қаторида тилга олиш мумкин. Ёш тадқиқотчи устозлари Н. Муҳаммадиев ва Н. Фазлиев билан бирга «Pimpinella anisum L. (Arpabodiyon) ўсимлигидан ажратиб олинган эфир мойининг кимёвий таркибини ГХ-МС (газхромато-масс-спектрометрия) усулида ўрганиш» мавзусида илмий тадқиқот олиб бормоқда.

— Бугунги кунга олиб борилган тадқиқотларда арпабодиён ўсимлигининг меваси таркибидан 3,2 фоиздан 6 фоизгача эфир мойи ва 28 фоизгача бошқа мойлар мавжудлиги аниқланган, — дейди Абдуқодир Муҳаммадиев. — Унинг меваси ва эфир мойидан тайёрланган препаратлар табобатда балғам кўчирувчи малҳам сифатида қўлланилиб келинган. Бундан ташқари, меваси ва эфир мойи озик-овқат саноатида ҳам ишлатилади. Изланишларимизда эфир мойларининг кимёвий таркиби ва хоссаларини ўрганиш орқали уларни парфюмерия, косметика ва бошқа соҳаларда қўллаш имкони мавжудлиги аниқланди. Ушбу янгилигимизни ишлаб чиқаришга татиб этиб, мамлакатимиз саноати ривожига ўз ҳиссамизни қўшишни мақсад қилганмиз.

Айни пайтда махсус лаборатория шароитида Жомбой туманидаги «Dina Parfum» Ўзбекистон—Хитой кўшма корхонаси билан ҳамкорликда атирнинг дастлабки намунаси яратилди. Келгусида мазкур кўшма корхонада хушбўй суюқликнинг бир неча турлари кенг миқёсда ишлаб чиқаришга жорий этилиши кўзда тутилган.

Университетда Абдуқодир Муҳаммадиев каби ёш тадқиқотчиларнинг яратилган қулай шароитлардан унумли фойдаланаётгани ҳамда устоз-шогирд аънанасининг яхши йўлга қўйилгани ҳозирданок ўз мевасини бера бошлади. Хуллас, бу жараён келгусида мамлакатимиз иқтисодий-етининг юксалишида, айниқса, саноат ва ишлаб чиқариш соҳаси ривожига муҳим аҳамият касб этади.

ЁШ ОЛИМЛАР НИМА БИЛАН МАШҒУЛ?

ни янада юксалтиришга хизмат қилади. Илмий-тадқиқот институтларида изланиш олиб бораётган, мустақил тадқиқотчи сифатида илмий иш қилаётган ёш олимларнинг қобилият ва истеъдодини янада кенг намоён этиш мақсадида махсус фондлар ташкил этилиб, чет элнинг етакчи ўқув юртлари ва илмий марказларида таълим олиб қайтишлари учун етарли шарт-шaroитлар яратилмоқда. Буни Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фанлар академияси, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси қошидаги Геномика ва биоинформатика маркази қошида ташкил этилган «Ёш олимлар кенгаши» мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бу ерда фаолият юритаётган ёш олимлар замонавий биологик технологиялардан фойдаланган ҳолда, ўсимликларнинг турли омилларга чидамли навларини яратиш, Ўзбекистонда гўза патогенларини аниқлашда молекуляр-генетик методлардан фойдаланиш йўналишларида илмий изланишлар олиб боришмоқда.

— Илмий ишим мақсади гўза ва буғдой ўсимликларининг шўрланиш, кургоқчилик ва турли касалликлар(вилт, бактерия ва бошқа патогенлар)га чидамлик механизмини молекуляр даражада ўрганишга қаратилган, — дейди кичик илмий ходим Умиджон Шопўлатов. — Унумдорликни ошириб, қишлоқ хўжалиги экинларидан самарали ҳосил олиш учун турли кимёвий ўғитлар ва воситалардан, сунъий сурғориш системаси, шўр босган ерларни ювиш учун дренаж ва зовурлардан фойдаланилади. Аммо улар иқтисодий жиҳатдан кўп маблағни талаб этади. Шу боис бугунги кунда

ишлаяпмиз. Бундан ташқари, марказдаги ёш олимлар билан биргаликда гўзанинг вилтга чидамлигини оширувчи микро-РНКларни аниқлаш устида ҳам тадқиқот олиб бораёпмиз.

«Ёш олимлар кенгаши» аъзолари AQSh қишлоқ хўжалиги департаментининг Миссисипи штатидаги илмий лабораторияси билан ҳамкорликда кўплаб илмий ишларни амалга оширмоқда. Чунончи, Миссисипи ва Луизиана штатларида ўтказиладиган «Cotton Breeders Tour», Флорида штатининг Орландо шаҳрида ўтказиладиган «Beltwide Cotton Conference» халқаро конференцияларида, гўза ривожига юқори эътибор қаратиладиган бошқа халқаро конференция ва семинарларда мунтазам иштирок этишяпми.

Марказда фаолият юритаётган ёш олим Шароф Эгамбердиев гўза навларининг генетик хилма-хиллигини ўрганиш устида самарали изланишлар олиб бормоқда. У генетик паспорт сифатида қўлланиладиган навнинг бир хиллиги ва сифатини белгиловчи ноёб маркерлар панелини, яъни ноёб индикаторларни аниқлашга муваффақ бўлди.

— Таълим тизимини ислох қилиш билан боғлиқ қатор меърийд-ҳуқуқий ҳужжатлар биз ёш тадқиқотчиларнинг илмий изланишларимиз сифати ва амалий аҳамиятини ошириш, ижодий, интеллектуал салоҳиятимизни намоён этиш имконини бермоқда, — дейди Шароф Эгамбердиев. — Охириги изланишларимиз замбуруғ патоген турларини ўрганиш билан боғлиқ бўлиб, гўзада касаллик қўзғатувчи патогенларни ўрганиш ҳамда ўз вақтида уларга

— Жаҳонда пахтачилик мониторинги билан шуғулланадиган Халқаро гўза маслаҳати кўмитасига аъзо гўза парвариши ва пахта толаси савдоси билан шуғулланадиган қирқдан ортиқ давлатлар орасида Ўзбекистон ҳам бор, — дейди «Маркерларга асосланган селекция лабораторияси» мудири Фахриддин Кушанов. — Мазкур ташкилот 2009 йилдан буён дунё мамлакатларида олиб борилаётган йирик гўза тадқиқотлари натижалари бўйича «Йил тадқиқотчиси» танловини ўтказиб келади. 2013 йили марказимиз директори Иброҳим Абдурахмонов гўза геномини чуқур тадқиқ қилишдаги фундаментал ютуқлари учун ушбу мукофотга сазовор бўлди. Ҳозирги кунда ёш олимлар гўзанинг турли зараркунанда ва касалликларга чидамли, мамлакатимизнинг тупроқ-иклим шароитига мос, эртапишар, серҳосил, узун толали ва янги навларини яратиш устида изланаяпти.

Жамоада соғлом илмий-ижодий муҳит мавжудлиги, унга ёшларни жалб этиш, пировардида юқори малакали, илмий салоҳиятли кадрлар тайёрлашни йўлга қўйишнинг намунали механизми яратилгани эришилаётган натижаларда ўз аксини топмоқда. Иброҳим Абдурахмонов, Умиджон Шопўлатов, Шароф Эгамбердиев, Фахриддин Кушанов ва яна бир қатор ёш олимлар республикамиз агроаноати ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ турли семинар ва илмий анжуманларда фаол қатнашишмоқда.

Маърифат ТЕМУРЗОДА,
«Ma'rifat» муҳбири

Ҳаким ЖҲРАЕВ,
«Ma'rifat» муҳбири

БОЛАМ БАХТЛИ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.)

Миллий тарбия усуллари

Миллий тарбиямиз бой услубий хазинага эга. Масалан, "кечирмоқ" — тарбияланувчига тарбиявий таъсир ўтказиш мақсадида у йўл қўйган хато, гуноҳни авф этмоқ усули; "ўйнамоқ" атамаси эса болада ижобий сифатларни ривожлантириш, салбий сифатларни камайтириш мақсадида йўналтирилган, маълум қоида ва усуллар билан ижро этиладиган ўйнаш усулини ифодалади... Халқимиз болаларда ижобий фазилатларни ривожлантириш, салбий хулқ-атворларни бартараф қилиш учун қўллаган ва қўллаётган йўл-йўриқлар бисёр. Мана шулардан айримлари:

1. Аразламоқ — қилган салбий қилиғи учун болани айбситиб, ундан ўпка қилиб юрмоқ ёки тарбиявий мақсадда ундан вақтинча юз ўгирмоқ.

2. Бахшламоқ — ўқувчи билан (мактабда), фарзанд билан (уйда) илмий, адабий, ахлоқий, миллий-мафкуравий мазмунда мунозара қилмоқ.

3. Бегона қилмоқ — боланинг ёлгон гапиргани аниқланган, кўполиги муҳокама қилинган, умуман, шунга ўхшаш вазиятларда қалбдаги виждонни жунбушга келтириш, қилган иши учун пўшаймон қилдириш мақсадида ўқитувчи ёки ота-она уни ўзидан вақтинча узоқ тутиб юриши.

4. Бириктирмоқ — одоб-ахлоқда, бирор хунарда кўпчилиikka намуна бўлган устоз тарбиясига бермоқ. Ўтмишда кўпни кўрган ота-оналар ҳаётни, одамлар билан муомала қилишни ўргансин деб ўғилларини чойхоначига хизматкорликка берган экан.

5. Ваъда олмоқ — боланинг ўз сўзига содиқлигини, сўзи ва иши бирлигини синаш мақсадида бирор ишнинг, мажбуриятнинг бажарилиши ҳақида ундан ваъда олмоқ.

6. Гиргиттон бўлмоқ — меҳрибонлик билан, "айланай", "ўргилай" сўзларини ишлатиб, исмига "жон", "хон" қўшиб болани эркалаш.

7. Ёрилмоқ — боланинг сиздан ноўрин хафалигини билганч, юзмаюз суҳбатлашиб, асл мақсадингиз унинг муваффақияти эканини тушунтириш.

8. Иноклашмоқ — бола билан яқин, дўстона муносабат боғлаш.

9. Кафил бўлмоқ — бола билмай, адашиб хатога йўл қўйган чоғда унинг яхшилиги ҳақида бошқалар (ўқитувчи, ўқувчилар)ни ишонтириб, барча масъулиятни ўзи бўйнига олмоқ.

10. Кенгашмоқ — бола билан муаммоларини биргаликда муҳокама қилмоқ.

11. Койимок — жазо беришнинг энгил тури; болага танбех бермоқ, уришиб қўймоқ.

12. Кузатмоқ — синф ахлининг, ҳар бир боланинг хулқ-атворини зимдан қараб, текшириб турмоқ, кўздан кечирмоқ, қайд қилмоқ.

13. Мактамоқ — боланинг яхши томонларини ўзига ёки бошқалар олдида гапирмоқ.

14. Насихат — сокин, хайрихоҳ вазиятда болани яхши йўлга солиш

таълим бериш мақсадида айtilган гап, маслаҳат, панд, ўғит.

15. Овутмоқ — боланинг ёки оиласининг бошига бирор кулфат тушгандан юпатмоқ, овунтирмоқ, йиғлашдан тўхтатмоқ.

16. Тасалли бермоқ — муваффақиятсизликка учраган боланинг кўнглини кўтариш учун гапирмоқ, иш-ҳаракат қилмоқ.

17. Тақдирламоқ — ўқувчини, фарзандни қадрламоқ, муносиб баҳоламоқ, болага унинг қадрлигини сездирмоқ.

18. Шавқлантирмоқ — боланинг хулқи, ўқишидаги муваффақиятларига ғоят мамнунлик ҳисси билан қизиқмоқ, завқланмоқ ва завқлантирмоқ, қанотлантирмоқ.

19. Яраштириш — оилада, синфда баъзан учрайдиган ўзаро уруш-жанжални тўхтатиш, уришмасликка аҳд қилдирмоқ, муносабатни яхшиламоқ, тотулаштирмоқ.

20. Ўргатмоқ — болага бирор иш-ҳаракат(масалан, чой дамлаш, турли жой ёки вазиятда ўзини тутиш)нинг йўл-йўригини тушунтирмоқ, билдирмоқ ва шу ишни мустақил бажара оладиган қилмоқ.

21. Ўқитмоқ — ёзилган матнни ундаги белгилар, ҳарфлар воситасида айнан айтиб, эшиттирмоқ.

22. Қайтармоқ — боланинг ҳақли чиқиб, қизишиб бирор ёмонлик қилмоқчи бўлса, важоҳати шуни кўрсатса, уни ўзини тутишга ундамоқ, бундай номақбул, ноқўя ишдан, хатти-ҳаракатдан тиймоқ.

23. Қизиқчилик қилмоқ — ўқувчи, бола билан муносабатда расмиятчиликни, психологик тангликни бартараф қилиш мақсадида мавзунини буриб юбориш, эрмақ, ҳазил қилиш, болани кулдириш.

24. Совға бериш — болага байрам, ҳайит муносабати билан имкон даражасида тўхфалар қилиб, унинг меҳрини товлантирмоқ, ошириб туриш.

25. Ҳомийлик қилиш — бола бирор соҳага қизиқиб, берилиб шуғулланса, бу ишда ёрдам, мадад бериш, муҳофаза этиш.

Шу билан бирга, болага тарбиявий таъсир ўтказишнинг салбий усуллари ҳам учраб туради. Сизни улардан огоҳлантириш учун айрим намуналар келтираемиз. Булар: **алдамоқ** — ёлгон-яшиқ гаплар билан, ваъдалар билан лақиллатмоқ, **бачканаляшмоқ** — ўқитувчи, ота-онанинг катталарга номуносиб қилиқлар қилиши, **ёмонламоқ** — боланинг олдида ёки орқасидан уни ёмонлаш, **зарда қилиш** — болага ҳадеб жажл қилавериш, **зорланмоқ** — болалар қошида бирор нарсадан, вазиятдан нолимоқ, **низога бормок** — ўқитувчи ва ўқувчи, бола ва ота-она орасида ўзаро келишмовчилик ёки қарама-қаршилиқ ҳосил қилиш, **сўкмоқ** — болани ёмон, уят сўзлар билан ҳақорат қилмоқ, **қарғамок** — ёмонлик, бахтсизлик тилаб фарзандни койимок...

Азиз ота-оналар, тарбиянинг қандай усулларининг фойдаланиши ана энди ўзингиз хал қилинг!

(Давоми бор.)

Муҳаммад ҚУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор

2014-yil — Sog'lom bola yili

"Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида олиб бориладиган ишлар сирасига, жумладан, оилада меҳр-муҳаббат ва ўзаро ҳурмат муҳитини, юксак ахлоқий ҳақда маънавий қадриятларни шакллантириш масаласининг кiritилгани мени педагог сифатида қувонтирди.

Дарҳақиқат, ҳар қандай намуналий тарбиянинг, маънавий камолотнинг пойдевори оилада қўйлади. Касб-хунар коллежига келгунча ўқувчининг яхшилиқ ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, ҳалол ва ҳаром ҳақидаги фикрлари деярли шаклланган бўлади. Шу ўринда ёзувчи Лев Толстой: "Фарзанд оиладаги камчиликлари катта қилиб кўрсатувчи ойнадир", дегани ниҳоятда тўри таъриф эканига иқдор бўламиз. Шунинг учун ҳам усмирнинг оддийгина, ўртоқлари ёки ўқитувчилари билан муомаласидан унинг оилавий муҳити ҳақида хулоса чиқарса

ўқувчиларимизнинг хулқ-атворини, дунёқарашини ўзгартираётган бўлса, уларнинг ота-оналарини одоб-ахлоқ борасидаги қадриятларга янада масъулиятли бўлишга чорламоқда.

Ўрни келганда айтиши жоизки, менимча, давлат дастурда белгиланган юксак мақсадларга ҳудди томчидан кўл ҳосил бўлганидек, ҳар биримизнинг фикрлашимиз, ҳаракатларимиз тўфайли эришилади. Масалан, ўқувчиларнинг ўқув юрти ёки маҳалладаги хашарда иштирок этиши уларнинг бир-бирлари, атрофидаги одамлар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиради, ўзгалар меҳнатини қадрлаш, табиатни асраш, коллеж ёхуд маҳалла тимсолида Ватанин севиш туйғуларини шакллантиради.

Бугунги тезкор замон педагоглардан ҳам, ота-оналардан ҳам замонавий би-

ҲАМКОРЛИК МЕВАСИ

бўлади. Таълим-тарбияни уйғунликда олиб бориш учун биз коллеж жамоаси, оила ва маҳалла ўртасида доимий ҳамкорлигини йўлга қўйганимиз.

Шунингдек, "Маънавият оиладан бошланади" мавзусида илмий-амалий конференциялар, "Оилавий тарбия: тажриба ва келгуси вазифалар" мавзусида семинарлар ўтказиш, "Оила — жамиятнинг муҳим бўғини", "Ватан тараққиёти оиладан бошланади", "Инсон маънавияти манбаи — она муҳаббати, отанинг муносиб ибрати ва авлодлар донишмандлиги", "Баркамол авлоднинг тарбиялашда оила ва таълим муассасасининг ҳамкорлиги" каби қатор тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказиш борасида қатъий режалар тузиб, иш олиб бораёламиз. Асосан қизларни тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашга қўмақ бериш вазифасини бажарадиган ўқув юртимиз учун бу тадбирларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Ўтказилаётган тадбирлар нафақат ўқувчиларимизни, балки уларнинг ота-оналарини ҳам бефарқ қолдирмаётти. Миллий аъна, урф-одатларимиз, қизларимизнинг кийиниш ва муомала маданияти ҳақидаги суҳбат ва тадбирлар

лимлардан, компьютер ва интернет тизимидан, ахлоқий-маърифий меросимиздан хабардор бўлишни талаб этмоқда. Чунки глобаллашувнинг меваси бўлмиш интернет, турли хил шоу, сериал, компьютер ўйинлари педагоглар ишига ҳам, ота-оналар тарбиясига ҳам аралашиб, маълум ўринни эзгулик уруғини севиш, юқоридега тилга олинган ёт маданиятлардан муҳофаза қилиш учун муштоз ва замонавий адабиётимиз намуналарини мунтазам ўқиб бориш лозим. Зеро, баъдий китоблар тарбия борасида ота-оналарга ҳам, педагогларга ҳам беназир ёрдамчи бўлиши шубҳасиз.

Ота-боболаримиз таълим-табияда шахсий ибрат ва китоб мутолаасига суянишганини ҳаммамиз биламиз. Ешларини қалбига эзгулик уруғини севиш, юқоридега тилга олинган ёт маданиятлардан муҳофаза қилиш учун муштоз ва замонавий адабиётимиз намуналарини мунтазам ўқиб бориш лозим. Зеро, баъдий китоблар тарбия борасида ота-оналарга ҳам, педагогларга ҳам беназир ёрдамчи бўлиши шубҳасиз.

Назира РАМАЗОНОВА,
Тошкент ихтисослашган
хотин-қизлар коллежи
етақчи ўқитувчиси

ОИЛА — ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ



Миробод туманидаги 125-мактабда шу мавзуда тадбир бўлиб ўтди. Туман ХТМФМТТЗ бўлими томонидан ташкил этилган семинарда Тошкент шаҳар «Оила» илмий-амалий маркази, маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари ва ўқитувчилар иштирок этди. «Баркамол авлоднинг тарбиялашда оила ва таълим муассасасининг ҳамкорлиги», «Бола тарбиясида оила, маҳалланинг роли, аҳамияти ва масъулияти», «Оила бахтини сақлаб қолиш аёллар қўлида», «Соғлом бола тарбиялаш — умумий вазифамиз» каби мавзулардаги маърузалар қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

— Халқимиз азиздан фарзанд тарбиясига масъулият билан ёндашган, — дейди Миробод туман ХТМФМТТЗ бўлимининг маънавий-ахлоқий тарбия шўбаси раҳбари И.Рашидова. — Миллий қадриятлар асосида шаклланиб келган бу аънағана ота-оналар алоҳида аҳамият қаратиши лозим. Бугунги тадбирдан қўзланган асосий мақсад ана шу эзгу аънағани давом эттириш, фарзандлар қалбига меҳр-муҳаббат, одамийлик туйғуларини шакллантиришдан иборат.

Суратда: Миробод туманидаги 125-мактабда ўтказилган «Оила — жамиятнинг муҳим бўғини» деб номланган тадбир доирасидаги кўргазмадан лавҳа. Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

2014-yil 30-aprel, № 35 (8684)

Болалар улғаяди...

«Бола-да, бирданига катта бўлиб қолгиси келдим, йўл бўйидаги панжарага тирмаша бошлади. Жажжи оёқчалари билан эндигина бир-икки поғона кўтарилган ҳам эдики, онаси ўшқира кетди: «Туш пастга! Ҳозир йиқилиб кетасан, бошинг ёрилади...». Болакай кўзларини пирпиратганча, жимгина онасига эргашди...».

Ўзи гувоҳи бўлган бу воқеани бир дўстим гапириб берганди. У ҳикоясини шундай давом эттирди:

«Орадан бир неча кун ўтиб, худди ўша жойда, яна аввалгига ўхшаш манзарага дуч келдим. Фақат бу гал панжарага тирмашаётган бола бошқа, онаси ҳам ўзга аёл эди. Кичкинтой тепага талпинаркан, онаси унга: «Мана бу ерни ушла, оёгингни бу ерга қўй», дея ўргатиб турарди. Болакай йиқилиб тушмади. Маррага етди. Ўзида йўқ шод. Онасига марғур-марғур қараб

лар ичида қолдим. Умидсиз ва ожизликдан ҳаддан ташқари қийналар, бир юланч-тасаллига ташна эдим. Токи...

Иддао

Бола бир хато қилса, бўлмагур (сизнинг назарингизда) савол берса, дарҳол ўшқирасиз: «Калла борми ўзи сенда!?». Ҳа, бор! Фақат уни кўра оладиган кўз керак, холос. Агар шу савол 2-3 марта такрорланса, болапақирнинг қалбида ички бир жавоб пайдо бўлади: «Менинг каллам яхши ишламайди». Кўриб турганингиздек, худди ана шу ерда тарбиянинг асосий устунларидан бири — ақлий тарбияни зимдан кемирадиган курт тушириб қўясиз.

Тўғри, азиз ота-оналар, сиз фарзандингизни жонингиздан-да ортиқ кўрасиз. Агар унга бирор озор-азият етса, меҳрингиз қай даражада кучлиги юзага чиқади. Болангизни атрофдагилар ҳурмат қилиши, камсит-

риш, фақат олға интилиш учун қўйилган чегарадир. Баъзида бизнинг тақиқларимиз таҳқир, танбеҳларимиз таънадек. Улар кўпинча сув йўлига қўйилган тўғон, тамба. Яна ҳар қадамда...

Қўлидан келса, қўйиб беринг-чи!

Бола эркин фикрлашга, мустақил ҳаракатга ўргансагина, жамиятдан муносиб ўрин эгаллайди. Бунинг учун эса, қўйиб берайликки, ўзининг қўлидан келадиган ишни ўз қўли билан бажарсин. Кези келганда бу борада худди тулкидек айёр бўлишни маслаҳат беради инглиз адаби Сетон-Томпсон:

«Тулки болалари отасининг пишқирган овозини эшитиб, бир-бирларини итаришиб иниларидан чиқиб келди. Отаси олиб келган ўлжасини қўйиб юборди. Болалари шу заҳотиёқ ўлжага ёпишди, аммо ҳали тиррик сувкаламуш типирчилаб, жон-жаҳди билан олишди.

Esse

қолим йўқ. Аммо «Инсон қиладиган ишни инсон қилади», «Сен ҳар ишга қодирсан! Фақатгина ўзингни кашф эт, ўзингни тарбияла, сен буну урдалайсан!» деган маъноларни, далда ва таскинларни уқдим. Уқдим-у, ўзимга ишонч билан ўзимга қарши кураш бошладим. Дунё ўз-ўзинг билан курашадиган жангтоҳ экан. Ҳа, осмонга қараб ётишдан фойда йўқ, ерга мук тушиб олиш бенаф, вақт борида ишончсизлик, ночорлик ва фафлат чоҳидан чиқариб оладиган илм-маърифат арқонига осилиш керак экан!

Аммо бу осон эмасди. Кўпдан-кўп одамларнинг бошини ҳам, кўзини нам қилган бу маҳобатли кураш майдониде аждодлар мадади — панду насихатларига таянмай, тажрибаларига суянмай бирор натижага эришиш душвор эди. Мен ота-онамдан, устозларимдан эшита олмаган сўзларни

«ҲАР НЕ ИСТАРСЕН...»

қўярди. Балки шу топда у «катта бўлиб қолганини ҳис этган, ички бир қувватни туйгандир...».

Болалар улғаяди. Оналар эса ҳамиша ёнида бўла олмайди. Ҳаёт уларни янада каттароқ, баландроқ «панжара»ларга осилишга мажбур қилади. Биринчи боланинг оёқчалари қалтирайди, то вояга етгунига қадар эшитган «йиқилиб кетасан, бошинг ёрилади» каби дашномлар қулоридан нари кетмайди. Иккинчи қахрамон эса болалигидан шу кўйи тарбия топаркан — қай бир ишга қўл урмасин, ишонч билан бажаради; гапирса, журъат билан, ўктам-ўктам гапирарди; иродаси букилмайдиган инсон бўлиб етишди...

Ҳасрат

Дўстимнинг ҳикояси ўз болалигимни ёдга солиб юборди. Камина ҳам йиллар мобайнида эшитган ўринли-ўринсиз тақиқлар туфайли ўзига ишончсизлик нима эканини бот-бот бошдан кечирган:

— Ўртоқларим билан балиқ овлагани борсам майлими?

— Йўқ, ўзим олиб келиб бераман.

Бир куни «Синфдошларим тоққа чукри (ровоч) тергани боришяпти, мен ҳам борай!» дедим ишончсизлик ва... бирозгина илинж билан. Яна одатдаги жавоб: «Йўқ, бирор жойинг...».

Хуллас, «Қўй, қила олмайсан!», «Тегинма!», «Эҳ сен, одам бўлмайсан...» каби дашномларнинг кети узилмади. Бора-бора «одам бўлишим»га ўзим ҳам ишонмай қўйдим, шубҳа-гумон-

маслиги, ҳақ-ҳуқуқларини поймол этмаслигини истайсиз, талаб ҳам қиласиз. Аммо уни ўзингиз таҳқирлайверсангиз (гарчи тарбиялаш ниятида бўлса-да), «Сенга гапиришни ким қўйибди?» қабилида фикр-кизиқишларини эътиборсиз қолдираверсангиз, боланинг иззат-нафсини сўндириб қўясиз-ку?! У ўзини ҳимоя қила олмай-диган, икки-уч одамнинг олдида гапиролмасдан довдираб, ҳатто ҳар қандай киши ерга уриб, масхараласа-да, буни табиий қабул қиладиган ношудга айланиб қолса, асл фожеа шу эмасми?!

Тақиқлар

тақиқланмайди, аммо...

Эътироз туғилиши табиий. Ёшлар кўнглига келганини қилаверса, оғзига келганини гапираверса, бунинг оқибати нима бўлади? Дили нозик экан, деб танбеҳу огоҳлантиришлардан мутлақо тилни тийиш керакми?

Бола — янги кўз очган чашма. Уни чаманзорга ҳам, тиканзорга ҳам бошлаш мумкин. Ўз ҳолига ташлаб қўйилса беному нишон зое бўлади, узоққа бора олмайди. Қолаверса, ғараз ниятли кўллар ўз маъжунзорлари томон бошлаб кетиши ҳам мумкин. Ота-онанинг бош вазифаси — фарзандни ана шу хатарлардан омон сақлаш, қайнаб-тошиб келаётган булоқ учун бовбўстонлар сари йўл очиш. Биласиз, бунинг учун ариқ қазилади. Сув йўлини мудом тозалаб туриш ҳам керак. Ариқ деворлари — асл мақсаддан чалимаслик, оқим суръатини оши-

Ўзини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа олиб урди... каламуш ўткир тишлари билан тишлаб олганида чийиллашиб нари қочди. Фақат бирови каламуш билан уч мартаба яккама-якка олишди, аммо қочмади. Бу тулки каламушдан ҳам, укаларидан ҳам унчалик забардаст эмасди, аммо туғма довурак эди, шу сабабли ака-укалари чекинсаям у чекинмай яккама-якка олишни давом эттирди. Бу ҳаёт-мамот кураши бўлди. Довжурак тулки боласи каламушнинг калласига хийла яқинлашиб келди, ниҳоят бўйнидан гиппа тишлаб олди. Каламушнинг жони узилгунча шундай ушлаб турди. Кейин бутун оила жам бўлиб, гўшт еди.

Тулкилар отаси билан онаси олишувни хотиржам ўтириб кузатди. Нимага уларнинг ўзи каламушни ўлдириб қўя қолмади? Биз ўз-ўзимиздан одамлар нимага ўзлари учун жуда осон, аммо болалари учун ниҳоятда қийин ишларни ўзлари бажариб қўя қолмай, болаларига буюради, дея сўрасак масала равшан бўлади».

Далда

Юқорида чала қолган жумламиз бор эди: «Мен умидсиз ва ожизликдан ҳаддан ташқари қийналар, бир юланч-тасаллига ташна эдим. Токи...». Токи буюк инсоншуннос муаллим Мавлоно Жалолиддин Румийнинг мана бу ҳаётбахш сўзларини учратганимга қадар:

Нарса йўқим, хорижи олам эрур.

Ҳар не истарсен, ўзингда жам эрур.

Бу ҳикматли байт моҳиятига етдим, дейишга асло ҳадди

китоблардан қидирдим, аждодларга юзландим, Навоий бобомга зорландим. Ул зот айтдиларки:

**Ўз вужудингга тафаккур айлағил,
Ҳар не истарсен,
ўзингдин истағил.**

Яъни:

Болам, кўзларингни охири йўқ сериаллардан олгин-да, кўзуга боқ, оламга боқ! Уларни ўз кўзларинг билан кўрганга ҳеч нарса етмас.

Ақлинг нима эканини англамоққа эса фақат ақлига қодир. Уни илму тафаккурдан оч-ташна қолдиришга қандай кўнглинг бўлди-я, кўнглинг?!

Тилинг қудратини васф этмоқ учун ичингда шу қадар соҳир, ҳаётбахш сўзлар борки, сен уларни юзага чиқар, хизматга булар, сарала, гулдасталар тиз, болангга тақдим эт, ёр-дўстларга улаш...

Баски! Нега сен ўзинга ишонмасдан бошқалар кўмагини кутиб яшашинг керак?! Агёр қўлига қарама зинҳор, қарама! Ўз қўларингга боқ — у нима-ларга қодир эмас?

Бандасидан ёрдам истасанг, фақат бир кишидан сўра. Унинг олдида ялинмайсан, ўзингни камситилгандек ҳис этмайсан, куруқ қўл билан қайтмайсан. Талаб қиласан, буюрасан, керак бўлса, мажбур этасан. Ундан олганинг сари юксаласан, ўсасан, намоен бўласан. Пайқадинг-а, У — Сенсан!

Ўзгаларни айблашни-да бас қил. ЎЗИНГГА ИШОН! Шунда, албатта, сенга ишонадилар!..

Соғлом турмуш тарзига риоя қилишни истасан одам, энг аввало, тоза ҳаводан баҳраманд бўлиши, шунингдек, имкон қадар кўпроқ табиий муҳитда фаолият олиб бориши лозим. Тиббиёт илмининг султони, буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино «агар дунёда чанг ва гам бўлмаганида, инсон 1000 йил яшаган бўлар эди», дея айтган. Дарҳақиқат, биз нафас олиб турган ҳаводаги кўзга кўринмас чанг ва заррачалар саломатлик учун жуда катта хавф туғдиради.

ЧАНГҲОТКИЧ



Губорга бағрини очиб,
бизни касалликдан
асрайди

дан фойдаланиш жараёнида 99 фоиз йирик чанглар чанг-юткич қопчасига ййгилади. Қолган 1 фоиз майда губорлар эса ҳавога кўтарилади. Оз миқдорда кўрингани билан, чанг миқдори бир сутка давомида икки ош қошиқни ташкил этиши мумкин.

«Чанг булутини қандай ҳосил бўлади?»

Ишлаб чиқариш технологияси номукамал қурилмалар юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳавода «чанг булутини» ҳосил қилади. Чангнинг ҳавога кўтарилиши унинг тинч ҳолатидан анча хавфлироқ. Олимларнинг таъкидлашича, ёпик жойдаги чанг миқдори ташқи муҳитдаги чанглардан 20–50 баробаргача зарарли. Япониялик олимлар бунинг сабабини очиб ҳаводаги чанг зарралари куёш нури ва ёмғир таъсирида ўзининг зарарли хусусиятларини йўқотида, дея изоҳлаган. Чангюткич ишлаб чиқарувчи компаниялар юқоридаги ноқулайликларни ҳисобга олган ҳолда янги техник қурилмалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишмоқда. Бир неч-

лардан ҳимояланиш борасида нафақат мазкур қурилмани ишлаб чиқарувчи компаниялар, балки тиббиёт ходимлари ҳам жиддий бош қотиришмоқда. Маълумотларга кўра, сайёраимиздаги ҳар ўн кишидан бири аллергик касалликларга чалинган. Дунё олимларининг фикрича, хасталикларнинг 85 фоизга яқини айнан маиший техника воситаларидан фойдаланиш оқибатида юзага келади. Астма билан оғриган инсонлар «HEPA H12» ва «HEPA H13» филтёрли чангюткичлардан фойдаланиши лозим. Шунингдек, ҳаво муссаффолигини таъминлаш учун уй ва ишхоналарда идишларни сувга тўлдириб қўйиш ҳам яхши самара беради. Бундан ташқари, яшил ўсимликлар ҳам тоза ҳаво манбаи ҳисобланади.



Дунё олимларининг узок йиллар олиб борган илмий изланишларидан олинган хулосага кўра, Ерга ҳар куни 27 тонна, бир йилда эса ўртача 10 минг тонна космик чанг тушар экан. Шу билан бирга, яна минглаб тонна губор ва майда заррачалар шамол ва бошқа омиллар тўғрисида атмосферага кўтарилади.

Статистик маълумотларга кўра, бир литр ҳажмдаги ҳавода юз минг донагача чанг зарралари бўлар экан. Бир кеча-кундузда эса одамнинг нафас олиш йўллари орқали 6 миллиард донагача ана шундай зарралар ўтади. Ҳаво қанчалик қуруқ бўлса, унда чанг заррачалари шунчалик кўп миқдорда учрайди.

Мунтазам равишда чангли ҳаводан нафас олинганда иммунитет сусайиб, саломатлик ёмонлашади. Чанг аллергик касалликларни ҳам келтириб чиқарувчи восита. Бу борада бизга дастёр бўлган маиший техникалардан бири чангюткичларнинг замонавий турлари нафақат уй ва ишхоналардаги чангларни тозалайди, балки ҳаводаги муссаффоликни таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Беминнат ёрдамчи

Ишхона ва уйда тоза муҳитни яратиш нафас олиш органлари учун жуда фойдали. Экологларнинг фикрича, уй юмушлари билан шуғулланувчи инсонлар бошқаларга нисбатан кўпроқ губорли муҳитда нафас олишади. Шунинг учун губорлар кўпроқ уларнинг саломатлигига таъсир этади. Лекин тозалаш жараёнида махсус ниқоб тақиб юрилса, соғлиқ учун унчалик

хавф туғдирмайди.

Тозалаш ишларини олиб боришда энг зарур техник асбоб — чангюткич илк бор 1860 йили АКШнинг Айова штатида истиқомат қилувчи Дэниел Хесс томонидан иختиро қилинган. Бир асрдан ортироқ вақт мобайнида чангюткичлар такомиллашиб, анча ихчамлашди, имкониятлари эса бир неча баробар ортди.

Бугунги кунда кўплаб ишлаб чиқарувчилар томонидан жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган 99,5 ёки 99,7 фоиз чанг зарраларидан тозалай оладиган (HEPA-филтёрли) чангюткичларни яратиш устида иш олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, чангюткич чин маънода тозаланиш яратиб берувчи ажойиб ёрдамчи. Бироқ унинг зарарли томонларини ҳам унутмаслик лозим. Айниқса, сифатсиз чангюткич билан уйлари тозалаш ҳар доим ҳам самара беравермайди. Шунинг учун махсулотни мутахассис билан маслаҳатлашган ҳолда харид қилиш мақсадга мувофиқ. Сабаби, чангюткичнинг энг қалин филтёрдан ҳам жуда майда чанг зарралари яна ташқарига чиқиб кетиши эҳтимоли бор. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бузилган ёки сифатсиз маиший техника воситасидан фойдаланиш оқибатида хоналар тозаланиш ўрнига, «чанг гирдобини» ҳосил бўлади. Шу боис ҳам уй ишлари билан шуғулланувчилар чангюткич қопчасини мунтазам равишда тозалаб туриши даркор. Акс ҳолда қурилма чанг ютиш билан эмас, чанг тарқатиш билан машғул бўлади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур ускуна-



та лойиҳа муаллифлари бу борада самарали натижаларга ҳам эришган.

Замонавий технологияларнинг ютуғи ҳисобланмиш робот-чангюткичлар фойдаланувчилар томонидан берилган кўрсатма асосида чангларга қарши курашади. Мазкур қурилма ҳар куни катта ҳажмли хоналарни губорлардан тозалаб чиқиб имконига эга. Бироқ унинг ҳам ўзига яраша камчиликлари бор. У оғирроқ вазнли чинкидиларни юта олмайди, ўз ҳажми сиғадиган жойлардагина ҳаракатланиб, тор жойлардаги чангларни алоҳида тозалаш талаб этилади. Бундай вазиятда қўл-чангюткичлардан фойдаланиш ҳам яхши самара беради.

Чанглардан ва микроб-



Замонавий чангюткичлар

Сув филтёрли (аква-филтёр) чангюткичларнинг замонавий турлари ҳаводаги чанг миқдорини камайтиришда самарали. Бундай чангюткичлардан илгари фақатгина касалхона ва лабораторияларда фойдаланиш бўлса, кейинчалик уларни кенг миқёсда қўллаш имконини берувчи янги турлари ҳам ишлаб чиқарилди. Ишлаш технологиясига кўра, чангюткичдаги сувни тозалаш давмийлигидан келиб чиққан ҳолда ҳар ўн дақиқада алмаштириб туриш лозим. Бироқ бу турдаги чангюткичларнинг одатдагидан кўпроқ электр энергияси талаб этишини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Бугунги кунда бундай тозаловчи воситаларнинг буюмларни ювадиган турлари ҳам яратилган. Улар ҳатто катта-катта гиламлар-

Bilasizmi?

ни ювиш имкониятига эга. Бундай чангюткичларнинг энг ноқулай нуқтаси эса ичидаги сувини қайта тозалаш билан боғлиқ.

Замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган янги турдаги чангюткичлар сув буғлари асосида хона, мебел ва жиҳозларни тозалашга ихтисослашган. Шунингдек, бундай қурилмалар дераза ойналари ва кўзгуларни тозалаш, кийим-кечакларни турли губорлардан халос этиш имкониятлари билан ҳам таъминланган.

Бугун тадбиркорларимиз томонидан юртимизда ҳам энг сўнги қулайликларга эга чангюткичлар ишлаб чиқаришмоқда. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида хорижий корхоналар билан ҳамкорлик асосида «White Machine Technology» масъулияти чекланган жамиятида «Samsung» бренди остида чангюткичлар ишлаб чиқарилаётгани фикримиз далилидир. Ушбу маҳаллий махсулотлар сифат жиҳатдан хориж махсулотлари билан тенгма-тенг рақобат қила олади.

Халқимизда «тозаланмаган уйга меҳмон келиди», деган ибора бор. Шунинг учун ҳам уй бекалари эрта тонгдан хонадонини чиннидек қилиб тозалашда ушбу беминнат дастёр — чангюткичлар ёрдамига суянади. Бу эса улар ишини осонлаштириб, вақтларини тежайди.

Чанг, айниқса, болалар учун жуда хавфли

Олимлар маиший техника воситалари юзасида тўпланмаган чанг моддасининг саломатликка таъсирини ўрганиб чиқишди. Жиҳозлар, турли жойларга ўрнашиб қолган заррачалар овқат, қон, она сути таркибида ҳам учраётгани турли хавотирларга сабаб бўлмоқда. АКШда рўйхатга олинган 3 мингга яқин саратон касаллигига чалиниш ҳолати айнан шу каби чанглар оқибатида юзага келган, дея таъкидланмоқда. Бундай чанглардан, айниқса, ёш болаларни асраш лозимлиги ҳақида қайта-қайта бонг урилмоқда. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида эса чанг таркибида полиборенид дифенилетир (PBDE - polybrominated diphenylethers) хавфли моддаси борлиги аниқланган.


Олиб борилган қузатувлар жараёнида маълум бўлишича, ёш болалар бир кунда ўртача 6 минг нанограммдан кўпроқ кимёвий моддани нафас олиш орқали ичлариغا ютишади. Унинг организмга қанчалик салбий таъсир кўрсатиши ҳозирча аниқлангани йўқ. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, болалар фойдаланиши мумкин бўлган барча воситалар озода сақланиши лозим.

Ҳамида УСМОНОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

2014-yil 30-aprel, № 35 (8684)

МАЪРУЗАЛАРНИ ҚЎЛДА ЁЗИНГ

АҚШдаги Пристон университети олими Пэм Мюллер маъруза вақтида планшет, ноутбукдан воз кечиб, зарур маълумотларни қўлда ёзишни тавсия қилмоқда. Мутахассиснинг фикрига кўра, бугунги кунда кўпчилик талабалар маърузаларни замонавий электрон қурилмалар ёрдамида ёзиб олишга одатланган. Бу эса уларнинг таълим олишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, дейилади «Free Press Journal» нашрида эълон қилинган хабарда.



65 нафар кўнгилли иштирокида ўтказилган тадқиқотлар жараёнида замонавий электрон воситалардан фойдаланувчи талабалар маъруза мазмунига оид берилган саволларга яхши жавоб қайтара олмаган. Аниқланишича, бу талабаларнинг маъруза матнларида сўзлар сони одатдагидан кўра кўпроқ бўлган. Улар маърузани сўзма-сўз ёзиб борган, ammo унинг мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил қилишга эътибор қаратишмаган. Агар қўлда ёзиладиган бўлса, миёда ўз-ўзидан таҳлил жараёни кечади. Бунда мия энг зарур ахборотларни танлайди ва ана шуларгина консептдан жой олади. Натижда таълим олиш самардорлиги бир неча маротаба ортади.

Орадан бир hafta ўтгач, кўнгиллилардан маъруза вақтида нима ёзганини эслаш сўралди. Шундан сўнг консепт билан яна бир маротаба танишиб чиқишга ижозат берилди. Яқунда маърузаларни қўлда ёзганлар яхши натижаларни кайд этишди. Маърузаларни сўзма-сўз электрон ускунасига кўчирганларда эса юқориди айтилганидек, ахборотлар мазмунини таҳлил қилиш кўрсаткичи ёмонлигича қолгани маълум бўлди.

ЛИАНА ЎСИМЛИКЛАРГА ТАҚЛИД ҚИЛАДИ

Чилилик ботаниклар дарахтларга чирмашиб ўсувчи лианаларнинг бир неча муҳитга мослаша оладиган «Boquila trifoliolata» турини аниқлашди. Олимлар янги ўсимлик ҳақидаги батафсил маълумотни «Current Biology» илмий журналида эълон қилишди.

Маълум бўлишича, лиананинг мазкур тури ўз шакли, ҳажми, ранги ҳамда баргларининг жойлашувини бирорта дарахтга мослаштира олади. Дарахтга яқин бўлмаган қисмлардаги барглр эса одатдаги кўринишини сақлаб қолади.



Олимларнинг фикрича, бу каби ўсимликлар шу йўл билан ўз баргларини ўтхўр ҳашаротлардан ҳимоялайди. Тадқиқот муаллифларининг тахминларига кўра, лиана чирмашиб ўсувчи дарахт ёки ўсимлик чиқараётган кимёвий моддаларни ўзлаштира олади.




«Boquila trifoliolata»

ушбу хусусияти туфайли бир вақтнинг ўзида бир неча тур ўсимликларга тақлид қила олади. Полиморфиз мимикрия деб аталувчи мазкур жараён шу вақтгача капалакларнинг айрим турларидагина аниқланган эди.

БИЛИМИ КЎП ЖАРОҲАТДАН ТЕЗ ХАЛОС БЎЛАДИ

Мунтазам олиб борилган изланишлардан сўнг америкалик бир гуруҳ олимлар яхши таълим олган киши бош мија жароҳатидан тезроқ тuzалади, деган хулосага келишди. «Neurology» илмий журналида эълон қилинишича, мазкур тадқиқот ишига 769 нафар киши жалб этилган.



Изланишларга бош мија суяги ўртачадан энг оғир даражагача жароҳатланган кишилар танлаб олинди. Сўнгга барча иштирокчилар саводхонлигига кўра бир неча гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳга ўрта махсус маълумотга эга бўлмаган, иккинчи гуруҳга ўрта махсус таълим муассасасини тугатган ва қўшимча курсларга қатнаган беморлар киритилди. Учинчи гуруҳ учун эса магистр ва бакалавр даражасига эга инсонлар танлаб олинди.

Кузатувлар бир йил давом этди. Ушбу изланишлардан сўнг олимлар бош мија жароҳатлари кўпроқ таълим олган кишиларда тезроқ тuzалганини кайд этишди. Тадқиқот муаллифи Эрик Шнайдернинг маълум қилишича, айрим олий маълумотли кишиларда бош мија ўрта мактабни тамомлаган беморларга қараганда етти баробар тезроқ тuzалгани кузатилди. Энделикча олимлар олдида ушбу икки омил ўртасидаги боғлиқлик сабабларини илмий жиҳатдан ўрганиш масаласи турибди.

С.РУСТАМОВ тайёрлади.

реклама • Эълон • реклама • Эълон • реклама • Эълон • реклама • Эълон • реклама • Эълон

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети кафедраларида мавжуд қуйидаги бўш (вакант) ўринларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- ⇒ **Кафедра мудири лавозимига:**
 1. "Касб таълими методикаси" кафедраси (1).
- ⇒ **Доцент лавозимига:**
 1. "Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедраси (1).
 2. "Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси" кафедраси (0,75).
 3. "Математик анализ" кафедраси (1);
 4. "Бошланғич таълим методикаси" кафедраси (1).
 5. "Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси (1).
 6. "Биология ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси (1).
- ⇒ **Катта ўқитувчи лавозимига:**
 1. "Тарих" кафедраси (1).
 2. "Фалсафа" кафедраси (1).
 3. "Миллий ғоя ва маънавият асослари" кафедраси (1).
 4. "Тарих ва ижтимоий фанларни ўқитиш методикаси" кафедраси (1).
 5. "Корейс тили ва адабиёти ўқитиш методикаси" кафедраси (0,5).
 6. "Инглиз тили амалий курси" кафедраси (0,75).
 7. "Ўзбек адабиёти" кафедраси (1).
 8. "Ўзбек тилшунослиги" кафедраси (1).
 9. "Информатика ўқитиш методикаси" кафедраси (1).
 10. "Физика ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси (1).
 11. "Математика ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси (1).
 12. "Бошланғич таълим методикаси" кафедраси (1).
 13. "Жисмоний тарбия методикаси ва болалар спорти" кафедраси (1).
 14. "Психология" кафедраси (0,75).

- 15. "Умумий педагогика" кафедраси (1).
- 16. "Чизмачилик ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси (1).
- 17. "Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси (1).
- 18. "Муסיқа ўқитиш методикаси" кафедраси (1).
- 19. "География ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси (0,5).
- 20. "Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги" кафедраси (0,5).
- 21. "Кимё ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси (0,5).
- ⇒ **Ўқитувчи лавозимига:**
 1. "Давлат ва ҳуқуқ асослари" кафедраси (0,75).
 2. "Инглиз тили амалий курси" кафедраси (0,75).
 3. "Табий таълим йўналишларида чет тиллар" кафедраси (0,75).
 4. "Гуманитар таълим йўналишларида чет тиллар" кафедраси (1).
 5. "Физика ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси (1).
 6. "Факультетларaro жисмоний маданият ва спорт" кафедраси (1).
 7. "Педагогика" кафедраси (1).
 8. "Умумий педагогика" кафедраси (1).
 9. "Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси (1).
 10. "Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги" кафедраси (0,5).
 11. "Ахборот-коммуникация технологиялари" кафедраси (1).
 12. "Ишлаб чиқариш технологиялари" кафедраси (0,5).

Танловда қатнашишни хоҳловчилар танлов эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун ичида қуйидаги манзилга ариза билан мурожаат қилишлари мумкин:

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ КАДРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ ВАКАНТ ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

| № | Кафедралар | Кафедра мудирлари | Профессорлар | Доцентлар | Катта ўқитувчилар |
|----|---------------------------------------|-------------------|--------------|-----------|-------------------|
| 1. | «Педагогик технологиялар» кафедраси | 1 | — | — | — |
| 2. | «Менеджмент ва информатика» кафедраси | — | — | — | 2 |

ТАНЛОВГА ҚАТНАШИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

1. Директор номига ариза(кафедра мудири, декан, директорнинг ўқув ва илмий ишлар бўйича ўринбосари имзоси).
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа.
3. Олий маълумоти тўғрисида диплом (илова билан), илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом нусхалари.
4. Илмий ишлар рўйхати.
5. Малака оширганлиги тўғрисида гувоҳнома.
6. Охириги уч йиллик фаолияти ҳисоботи(ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий-маърифий ишлар).
7. Икки дона расм.

Танлов муддати газетада эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун.

Ҳужжатларни қуйидаги манзилга топширишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Зий кўчаси, 76-уй. Умумий бўлим. Тел.: 246-90-37.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи директори Баҳром Курбонова отаси

ТЎХТАҲУЖА отанинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

«Ma'rifat»-«Учитель Узбекистана» газеталари жамоаси таҳририят махсус мухбири Норкуват Тўраевага онаси **ЗАВРА** аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қаршли «Баркамол авлод» республика болалар техник ижодиёт маркази жамоаси Марказнинг маданий-оммавий тадбирлар ташкилотчиси **Исмоилжон ИСРОИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изхор қилади.

Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ходимлар бўлими. Мурожаат учун телефон: (8371) 255-68-70.

Гурун

ЛУ СУН

ИНСОН ЮРАГИ
СЕВГИ
БИЛАН ТИРИК

Ер юзиде яшайдиган ҳар бир инсоннинг ўз овози бўлиши керак.

Овоз қобилият ва инсон орқали юзага чиқади.

Нега ёшлар дўстни эмас,
қўлида тилла ҳошияли кўзгу тутган устозни қидиради?

Улар бирлашсалар,
бир томонли кўзгу эмас,
тўрт томонли кўра оладиган кучга эга бўладилар.

Ҳис-туйғу чин аскарга ёт,
Эркак ишидан чекмас надомат.

Ҳаёт инсон шундайки,
Ўтмиши ва келажакни эмас,
Бугунни севади.
Тарихда қоладиган бугунги инсон олға интилади!

Қалб мусавфоллиги учун курашади.
Ўзини ва ўз сеवгисини қурбон қилади.

Келажакнинг тақдири олдиндан белгиланиб қўйилади.

Бу —
аждодларнинг нуқсонини,
келажак авлодга тўсиқ,
тақдир заволи...

Емакка нони йўқ почорнинг фарзанди ҳам йўқ энди...

Ёки ҳали тирикми?!
Гудакни қутқаринг...
Қутқаринг!

Ҳозирги суҳбатдошларнинг бемаза сўзларидан фигоним чиқади. Аслида мен билан ҳеч қандай оламушул воқеа юз бермаган. Омадим борми ёки йўқ? Ноаниқ. Бироқ, эски қадрдонларим ҳали ёнимда.

Шайтон қўлида дунёдаги жами қабихлик, зулмат.

Бироқ у ёғдуга дош беролмайди.

Бу — инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат.

Хитой тилидан

Севаара АЛИЖОНОВА таржимаси.

Футбол деса Туробжон ўзини томдан ташлайди. Хотини кўчқордай ўғил туғиб бердию, унинг орзулари ушалмаган бўлди. Ўғил орадан уч ой ўтиб бешиқда боғлаб қўйилган оёқчаларини чиқариб, бир нималарни тепмоқчи бўларди.

— Бунингиз нукул оёгини чиқариб олади, — деди хотини Туробжонга идлао билан. — Қўйиб берсангиз, юриб кетса!

— Оёгини? — деди Туробжон ҳаяжонланиб. — Оёгини-я?! Тепаман, дейдими, а?

— Ҳа, тепмоқчи бўлади: мана бундоқ, мана бундоқ қилиб. — Хотин «қани, отангга ҳам кўрсат» дегандек, болани эркалади: — Тани-тани, бий тепинг, мана, бундай кийиб тепинг!

— Бу ёққа эмас, уёққа, — дарвозага қараб тепинг! — Туробжон дарров ишқибозчиликка ўтди. — Туғилди!

— Ким туғилди? — Хотини ҳайрон бўлиб сўради ундан.

— Каттиқроқ тепсанг, ўласанми? — деди ўғлига ўдағайлаб. — Сен нимага бақирасан? Бақиршни менга қўйиб бер, сен ўйнашни бил!

Ўғил ҳам ўз навбатида пешхезлик қилди. — Мен рақибни чўчитиш учун бақираман. Сиз бунни тушунмайсиз. Кеча телевизорда кўрдингиз-ку, биттасининг тепган тўпи дарвозага кирмагани учун бақириб юборди.

— Агар салгина пастроқ тепганида гол бўларди, — деди Туробжон қизишиб. — Оёғига чипқон чиққан унинг, қийшиқ оёқ! Сен ҳам ўшанга ўхшайсан! Бу ҳаракатингдан ярим ҳимоячи ҳам чиқмайди...

Орага сукунат чўкди. Сукунатни ўғил бузди. — Дада, иккита ярим ҳимоячининг ўрнига битта бутун ҳимоячи ўйнаса бўлмайми? Бир одамнинг пули тежаларди.

— Унда ўйинчилар ўнга бўлиб қолади-да, кал-лаварам! Мана, бизнинг ишхонамизда ҳам ярим

И Ш Қ И Б О З

От узини той босар.

Халқ мақоли.

— Ким бўларди? Марадона-да! Бу бола ҳали бутун дунёни оёғига қаратади! Энди ушалмаган орзуларим рўёбга чиқадиган бўлди. Буни футболчи қилмасдан қўймайман!

Туробжон эртаси куни каттакоп копток кўтариб келди. Коптокни боланинг қўлига бераркан, бола озини катта очиб, коптокни емоқчи бўлди. — Вуй Маядона, коптокни емайди-я, мана бундоқ кийиб тепади-я, — деди Туробжон болани эркалаб.

— Вой, қизиқсиз-а! — Хотин эрининг қилиғига кулди. — Бола нарсаси, сизнинг коптогинизни қаердан билсин. Ҳозир кўрган нарсасини оғзига тикади-да... Намунча шовшасиз!..

— Бола ёшлигидан коптокка меҳр қўйсин! Ҳозирдан коптокни оғзига тикса, эртага ундан футболчи эмас, ишқибоз чиқади. Болани шундай тарбиялаш керакки, кўрган юмалоқ нарсасини копток деб билсин. Ана шундагина ҳақиқий футболчи дунёга келади...

Бола юрадиган бўлиб, кўчага чиққан куни унга футбол анжомлари олиб берилди. Туробжон ўлининг қўйлаги борми, майкаси борми, барига «10» рақамини ёзиб берди.

— Ёш болага «ўн» рақами оғирлик қилмасмикан, — деди хотин норози оҳангда. — Ҳозирча «бир» рақами ҳам етиб ортади.

— «Бир», деганинг нимаси? — дўқ урди Туробжон. — Болани чалғима! Бизга дарвозабон эмас, ҳужумчи керак!

— Дарвозабонлик ҳам ёмон эмас, агар билсангиз. Бирор жойга қоровул бўлиб ишга кирса бинойидай керак бўлади.

— Сен болани олдинга эмас, орқага тортаясан. Ҳа, ҳа, сен бу ишга аралашма...

Шундан сўнг хотин бу ишга аралашмади. Бола «10» рақами билан кўчаларда тўп тепиб юрди. Навбатдаги кўча ўйинидан кейин Туробжоннинг жаҳди чиқди.

ставкада ишлайдиганлар бор, уларни бўшатиб бўлмайди. Футболда ҳам шу-да...

Вақт — оқар сув, бир пасда ўтади-кетади. Бўлса бўлсин деган ниятда бола бешинчи синфдан кейин спорт мактабида ўқишни давом эттирди. Орадан ярим йил ўтар-ўтмай ўқитувчи Туробжонни чақиртирди.

— Ўғлингиз ишқибозларга ўхшаб кўп бақиради, — деди ўқитувчи сермулоҳазалик билан.

— Бу захирала кўп ўтирганлигидан, — ўғлининг ёнини олди Туробжон. — Захирада ўтирган футболчи нимаю, ишқибоз нима?

— Захирада бақирса майлику-я, майдонда ҳам аҳвол шу. Ундан кейин ўғлингиз тўпни фақат оёғи билан ўйнайди.

— И-я, — деди Туробжон таажжубланиб, — тўп оёқ билан ўйналади-да!

— Тўғри, тўп оёқ билан тепилади, лекин ақл билан ўйналади. Ўғлингиз тўп билан муомала қилолмайди. «Унга ошир, бунга ошир» деб бақиради, сира «менга ошир» демайди.

— Камтарда, — деди Туробжон жилмайиб. — У ҳеч қачон менга бўлсин демайди. Доимо бировларнинг фойдасини қўзлайди. Оёғидаги тўпни ҳам бировдан қизганмайди. Йигирма икки кишига битта тўп берганларингиздан кейин биргаллашиб ўйнашди-да.

— Тўпни рақибдан қизганмайди боландан футболчи чиқмайди!..

Бу суҳбатдан сўнг бола ўқишни ҳунар мактабида давом эттирди.

Яқинда Туробжон футболга тушди. Ўйин қизгандан-қизиди. Ишқибозларнинг ҳуштагию қичқирғидан ўйингоҳ ларзага келди. Туробжон ҳам овози борича бақирган эди, орқа томондан бир киши «Ўчир!» деб дўқ урди. Ўғирлиги қараган эди, ўғлини кўрди. У «10» рақами ёзилган майкасини ҳавода ўйнатиб, гоҳ ўйинчиларга, гоҳ ишқибозларга қараб бақирарди.

Илҳом ЗОЙИР

Француз ёзувчиси Шамфор оғриб ётганди. Кўргани келган дўхтир сўради:

— Қалай, қайтаётми?

— Эй, биласизми, у умуман қайтаётгани йўқ, ўзим қайтаётман, шекилли, — деди Шамфор.

Австрия шоири Франц Гриллпарцер жуда камсуқум киши эди. У расмиётчиларни ёмон кўрар, айниқса, дастхат-имзо йиғувчиларни кўргани кўзи йўқ эди. Бир куни у касал бўлиб ётганди, безбетроқ бир киши у ётган хонага бостириб кирди ва дастхат ёзиб беришни илтимос қилиб туриб олди.

— Касал бўлсанг, ўрнингдан туришга мажولينг келма-

са, ҳолингга вой, — деб ёзиб берди Гриллпарцер.

— Мен асосан кечалари ижод қиламан, — деди ёш бир композитор Паул Линкега.

— Ҳа, ҳа, — деб жилмайди устоз, — ўғриликларнинг асосий қисми ҳам аслида кечалари содир бўлади.

Пруссия қироли Фридрих II файласуф Мозес Менделсонни ўз ҳузурига таклиф қилди ва ҳазиллашиб унинг ташриф қоғозига «шак» деб ёзиб, қўл қўйиб берди.

Менделсон бун пайқаб қолиб, секингина чўнтагига солиб қўймоқчи эди, аммо

қирол талаб қилиб қолди:

— Жаноб Менделсон, ташриф қоғозингизга ёзилган нарсаларни бизга ўқиб берингчи.

Менделсон баланд овозда ўқиб берди:

— Файласуф Мозес Менделсон, эшак — Фридрих Иккинчи...

Немис шоири Ҳанс Закс ўзининг безбет бир талабасини камар билан роса савалади. Бола йиғлаб юборгандан кейин уришни бас қилиб, деди:

— Менга қара, шумтака, эртага эргалаб мени бир кулдирмасанг яна савалайман.

Эртаси куни, сахармардонда Ҳанс Закс ҳали ухлаб ётганида талаба унинг хонасига кириб бақира бошлади:

— Вой, вой, ёнапти, ёнапти!

Ҳанс ўрнидан сакраб туриб, уйку аралаш сўради: — Ҳой баччагар, қаерга ўт тушди? Нима ёнапти?

— Домла, кеча камар тушган жойларим ёнапти, бирам ёниб кетаяптики!

Ҳанс Закс қаҳ-қаҳ уриб юборди ва болани жазодан озод қилди.

Ёзувчи Виктор Шеффелга

Саҳифани Маҳмуд САБДИЙ тайёрлади.

бир куни ўртоғидан хат келди. Хатта марка ёпиштирилмаган эди, Шеффел уни жарима тўлаб олди.

— Аҳволим яхши. Сен қалайсан? — деб ёзилганди хатта.

Кўп ўтмай ўртоғи катта посылка олди. Унга ҳам жўнатиш ҳақи тўланмаган, аммо «Жунатувчи Шеффел» деб ёзилгани учун ўртоғи катта жарима тўлаб олди. Унда бир тош ва бир хат бор экан. Хатта шундай деб ёзилганди: — Аҳволингдан беҳабарлигим учун мана шу тош юк бўлиб босиб ётган эди. Хайрият, хатингни олиб, юк елкамдан туши.

2014-yil 30-aprel, № 35 (8684)

БИЛИМДОН ВА ЧЕМПИОНЛАР МАКТАБИ

болалар спортини тарғиб қилишда ҳам ўрнаткич қўрсатмоқда

Фаргона вилояти Олтиариқ туманидаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ҳовлисига кириб борганимизда, спорт фестивали ўтказилаётган экан. Ўқил-қизларнинг бир гуруҳи стол тенниси билан банд бўлса, бошқа бир гуруҳ мунтазам спорт залини тўддириб волейбол ўйнамоқда. Бу манзарани кузатган киши Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 18 февралда қабул қилинган «Энг фаол болалар спорт тарғиботчиси» танловини ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғи ижросини таъминлаш ишлари амалда бажарилаётганига гувоҳ бўлиши мумкин.

Мактабда таълим олаётган 577 ўқувчининг 342 нафари аъло баҳоларга ўқиш билан бирга спорт тўғралакларига ҳам мунтазам қатнашиб келади. Аҳамиятлиси, уларнинг 182 нафарини қизлар ташкил этади.

Таълим масканида футбол, баскетбол, волейбол, стол тенниси, енгил атлетика, шахмат ва шашка тўғралаклари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, ўқувчилар 12 гуруҳга бўлинган ҳолда спорт сирларини ўзлаштиришмоқда. Уларга икки нафар олий маълумотли жисмоний тарбия фани ўқитувчиси сабоқ бераётди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бошқа спорт турларига қизиқувчи 50дан зиёд ўқувчи яқин атрофдаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабидаги тўғралакларга аъзо бўлган.

Албатта, шароит ва имконият бор жойда қизиқиш, эътибор ҳам кучаяди. Ўқувчиларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан эркин шугулланишлари учун мазкур таълим муассасасида барча шароит муҳайё қилинган. 2002 йили Болалар спортини ривожлан-

тириш жамғармасининг 176 миллион сўмлик маблағи ҳисобига бунёд этилган 12x24 ҳажмли спорт зали, спорт инвентарлари, замонавий иштиш тизими билан таъминланган ювениш хоналари ўқувчиларни ҳар куни ўзига чорлаб туради.

Ўтган йиллар мобайнида берилган имкониятлардан

ҳам спорт билан шугулланишга тарғиб қилаяпман.

Таэквондо билан беш йилдан буён шугулланиб келаётган Мадинабону Муҳаммаджонова эса информатика, инглиз тилига ҳам қизиқишини, кўшимча дарсларга боришини айтди.

— Отам солиқ, онам эса молия соҳасида ишлайди.


Eng faol bolalar sporti targ'ibotchisi

унумли фойдаланиб, эътибор ва гамхўрликдан куч олган ўқувчиларнинг 12 нафари республика миқёсидаги спорт мусобақаларида голибликни кўлга киритди. Яна 26 нафари вилоят мусобақаларида юқори ўринларни забт этди. Тўғриси айтсак, мактабга борганимизда атрофимизни бир гуруҳ ана шундай чемпион ўқувчилар кўраб олди. Уларнинг қайси бири билан сўхбатлашишни билмай ҳам қоласиз. 8-синф ўқувчиси Илбёбек Раҳмонлиевни ёнимизга чорладик.

— Каратэдо билан 5 ёшимдан бери шугулланаман, — деди ёш спортчи. — Ҳозир жигарранг белбоғ соҳибиман, республика чемпионатида биринчи ўринни кўлга киритганман. Спорт билан шугулланган инсон бошқаларга қараганда ҳам ақлан, ҳам жисмонан етуқ бўлади. Шунинг учун ҳам спортни ҳеч қачон тарк этмайман, тенгдошларимни

Шундай бўлса-да оилавий спортчиларимиз. Мактабимизда ташкил этиладиган оилавий спорт мусобақаларида фаол қатнашиб келамиз, — деди Мадинабону. — Онам ҳар доим машғулотларга катнашимиз, мусобақалардаги иштироким билан қизиқаман. Шу вақтга қадар ота-онам, устоз ва мураббийларим кўмаги, қўллаб-қувватлаши билан 8 маротаба турли мусобақаларда голиб бўлдим. 2012 йили республика чемпионатида 2-ўринни кўлга киритдим. Ҳозир менга ҳавас қилувчи синфдош дугоналаримни ҳам спорт ва жисмоний тарбия билан шугулланишга қизиқтираяпман. Уларнинг аксарияти тўғралакларга қатнашни бошлашди. Спортга бўлган қизиқишим, эришган ютуқларим сабаб синфимизда қизлар ўртасида «Спорт тарғиботчиси» этиб сайландим.

Дарҳақиқат, ушбу даргоҳда ўқувчилар ўртасида спорт-



га бўлган муҳаббатни ошириш, уларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини қарор топтириш, таълим муассасасида жисмоний тарбия дарслари, спорт тўғралакларининг янада самарали фаолият юритилишини таъминлаш мақсадида биринчилардан бўлиб «Энг фаол болалар спорт тарғиботчиси» танловини ўтказишга киришилди.

— Танловни ташкил этишда ота-оналар, маҳалла фаолларининг ҳам жалб этилаётгани спорт билан шугулланувчи ўқувчилар сонининг янада ортишига хизмат қилмоқда, — дейди жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Ҳакиммахон Аюпова. — Яқиндагина мактабнинг собиқ ўқувчиси, спортнинг пенчаксилат тури бўйича Осий чем-

пиони Хонзодабегим Аъзамова билан ўтказилган учрашув ўқувчилар ва ота-оналарда катта таассурот қолдирди. Фарзандининг соғлом бўлиши, чемпионликка эришишини истаган ота-оналар сафи янада кенгайди.

Масканда танлов доирасида, хусусан, февраль ойида спортни оммалаштиришга

қаратилган иншолар танлови ўтказилди. Унда 8-синф ўқувчиси Муруватхон Алижонова ва 6-синф ўқувчиси Муслимахон Абдуманнопов голиб бўлди. Март ойида эса спорт тарғиботчиларининг «Энг яхши деворий газета»лари сараланди. Яқуний хулосаларга кўра, 7-синф ўқувчиси Аҳаджон Адҳамовнинг иши мактаб директори раҳбарлигидаги ҳакамлар ҳайъати томонидан намунали деб топилди. Голиблар рағбатлантирилиб, танлов ҳақидаги барча маълумотлар, хусусан, голиблар рўйхати «Спорт тарғиботчилари бурчаги»да эълон қилиб борилмоқда.

Санжар РУСТАМОВ, «Ma'rifat» муҳбири

ТЎГАРАКЛАРДА ТОБЛАНАЁТГАН ЎҚУВЧИЛАР

устозлари ва ота-оналари билан мусобақалашшиди



сасида фаолият юритаётган спорт тўғралаклари аъзолари, ўқитувчилар ва ота-оналардан иборат жамоалар ўзаро беллашди.

— Бугунги кунда мактабда мини-футбол, волейбол, таэквондо, шахмат, стол тенниси бўйича тўғралаклар ташкил этилган бўлиб, ўқувчиларнинг спортга ошно бўлиши учун барча шароитлар яратилган, — дейди мактаб раҳбари Мавлуда Насритдинова. — Мураббийларимиз ёшлар онгига спорт инсонни ҳар томонлама камолга етказишини сингдириб боришмоқда. Ана шу тўғралакларда ўз маҳоратларини ошириб бораётган ўқувчилар ўқишда ҳам, жамоат ишларида ҳам фаол.

Қизгин кечган баҳслар якунида спорт турлари бўйича голиблар аниқланди. Унга кўра, шахмат мусобақасида 4-синф ўқувчилари Муҳаррам Аъзамова (қизлар ўртасида), Камол Қаҳороров голиб бўлди. Таэквондо бўйича мактаб ўқувчиси Азиз Кубаев, стол теннисидан Сардор Тўхтаров биринчи ўрини олишди. Энг мurosасиз кураш мини-футбол ва волейбол мусобақаларида кузатилди. Боиси, унда ўқувчилар, ота-оналар ва ўқитувчилар жамоалари баҳслашди. Якунда мини-футбол баҳсларида оталар жамоаси голиб бўлган бўлса, волейболда ўқувчиларнинг кўли баланд келди.

Мусобақа якунида голиб жамоалар ва фаол иштирокчилар фахрий ёриқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Хуррам ОТАМУРОВОВА, мактаб ўқитувчиси

Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш уларнинг фанларни яхши ўзлаштириши, жамоат ишларида фаол иштирок этишига ёрдам беради. Шу боис бугун таълим муассасаларида ўқувчилар иштирокида дарсдан ташқари тадбирлар, беллашув ва спорт мусобақалари ўтказишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Ташкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 275-мактабда «Соғлом бола йили» муносабати билан «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» шиори остида спорт мусобақалари ўтказилди. Оила — мактаб — маҳалла ҳамкорлигини янада ривожлантириш мақсадида ўтказилган мусобақада таълим муасса-

23—26 апрель кунлари Урганч шаҳрида «Камолот» шахмат тахтаси» VII аънаванавий республика турнирининг финал босқичи ўтказилди.

Ўқувчилар бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшлар ўртасида шахматни янада кенг оммалаштириш, ҳаваскор шахматчиларни рағбатлантириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш каби

разм вилоятида тадбир иштирокчиларининг тайёргарлик кўриши, хордиқ чиқариши учун старли шарт-шароит яратиб берилди, — деди «Камолот» ЁИХ Хоразм вилоят кенгаши раиси Мансур Машарипов. — Ушбу йирик спорт тадбири айнан «Камолот» ЁИХнинг ташкил топганига 13 йил тўлгани муносабати билан ташкил этилгани аҳамиятли бўлди.

«КАМОЛОТ» ШАХМАТ ТАХТАСИ»ДАГИ ҚИЗГИН БАҲСЛАР

унда кўплаб янги номлар кашф этилди

мақсадларга йўналтирилган мазкур нуфузли мусобақа Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сисёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар дастури ижроси доирасида ташкил этилди.

2007 йилдан буён «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан қатор вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида «Камолот» шахмат тахтаси» мусобақаси ўтказилмоқда. Жорий йилги чиққ турнир 5та ёш тоифасида (8 ёшгача, 12 ёшгача, 14 ёшгача, 16 ёшгача ва 19 ёшгача) беш босқичда бўлиб ўтди.

— Ёш шахматчиларнинг мurosасиз баҳсларига мезбонлик қилган Хо-

Мусобақанинг 1-босқичида 316 минг нафардан зиёд, 2-босқичида 109 мингдан ортиқ, 3-босқичида 22,1 мингга яқин, 4-босқичида эса 1,9 минг нафар ўғил-қиз иштирок этди. Чиққ турнирнинг финал босқичига 140 нафар спортчи етиб келди.

Яқунда мусобақа голиб ва совриндорлари номи аниқланди ҳамда уларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари берилди. Умумжамоа ҳисобида Навоий вилояти вакиллари 1-ўринни эгаллаган бўлса, 2-ўрин Қашқадарё вилояти шахматчиларига насиб этди. Кучли учликни Фарғона вилояти жамоаси тўлдирди.

Назокат ХОЛМЕТОВА, «Ma'rifat» муҳбири

2014-yil 30-aprel, № 35 (8684)

ХОНОБОДНИНГ САНЪАТ КОШОНАСИ

Хонобод шаҳридаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактабида байрам. Даставвал «Дилхиروج» куйи ижро этилиб, ашуласини мусиқа-санъат мактабининг яқиндагина ташкил этилган ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли куйлади. Ансамбл ижросида янграган бaxт, баҳор, мустақиллик ва муҳаббатни тараннум этувчи кўшиқлар йиғилганларга завқ-шавқ бағишлади. Ёш созандалар биринчи марта масъулиятли синовдан ўтдилар.

Хонободдаги мазкур мактаб қайта таъмирлангач, замонавий қиёфага

кирди. Унинг атрофини айлансангиз, мусиқа ва санъатта иштиёқманд болаларнинг шижоати, куч-ғайрати, муваффақияти сирини тушуна бошлайсиз. Қатор экилган мевали дарахтлар, тоза синф хоналари, янги замонавий концерт зали, икки қаватли ўқув биноси... Айниқса, концерт зали доим гавжум. У ердан ансамбл аъзоларининг қадами аримайди.

Ташкил этилганига ҳали кўп бўлмаган ансамбл халқимизнинг бебаҳо мусиқа санъати дурдоналарини ўрганиш борасида илк қадамларини кўйдилар. Ўтиборлиси, таж-

рибали устоз, хонанда ва созанда Маъмуржон Омонов ҳар бир ўқувчи билан алоҳида иш олиб бориб, ўрганилаётган асарнинг нозик томонларини тушунтирмоқда. Кейин эса ҳамма биргаликда кўшиқ ё куйини қайта-қайта ижро этиб, ижро жараёнини жонлантиришга уринаяпти.

— Халқ чолғу асбоблари оркестри эришаётган ютуқлар тасодифий эмас, — дейди мактаб директори Маҳбуза Холматова. — Аввало, оркестр машғулотлар олиб бориши учун таълим муассасамизда барча имкониятлар муҳайё, замонавий зал ёшлар ихти-

ёрида. Жамоа ўзбек бастакорлари ва жаҳон классикаси намояндларининг асарларини маромига етказиб ижро этишга ҳаракат қилмоқда. Шу сабабдан Андижон шаҳрида ўтган мусиқа мактабларининг ҳисобот концертида оркестримизнинг ижрочилилик маҳоратига катта баҳо берилди. Демак, меҳнатларимиз зое кетмаяпти, келгусида ўқувчиларимиз орасидан машҳур бастакорлар, хонандалар, созандалар етишиб чиқишига ишонамиз.

Бугун 158 ўқувчига 23 нафар таърибали устоз мусиқа ва санъатнинг нозик сирларини ўргатиш, уларни ҳам руҳан, ҳам маънан тарбиялаш ишига бош-қош. Яратилган шарт-шароит эса уларнинг келгусидаги муваффақиятларига омил бўлиши шубҳасиз.

Ўзқобой САКСОНБОВ,
журналист

реклама • Эълон • реклама • Эълон • реклама • Эълон • реклама • Эълон • реклама • Эълон

**MENING SHAHRIM. TA'LIM -
YANADA KO'PROQ YANGI TESTLAR!**

ABITURIYENT!

**SEN O'QISHGA
KIRISHGA TAYYORMISAN?**

**QO'NG'IROQ QIL!
SOTIB OL!
TAYYORLAN!
O'QISHGA KIR!**

**BIOLOGIYA
KIMYO
TARIX
GEOGRAFIYA
ONA TILI
VA ADABIYOT**

**MATEMATIKA
FIZIKA
INGLIZ TILI
NEMIS TILI
FRANSUZ TILI**

Guvohnoma №005067-03

(99871) 283-23-79, 283-39-34, www.mg.uz

SHAHNING

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Xayrulla ABDURAHMONOV (mas'ul kotib), Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Farhod RIZAYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari), "Учитель Узбекистана", Mirzakarim XUDDIYEV, Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. Г-426.
Tiraji 57909.
Hajmi 4 bosma taqob.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib boshish tahririyat raxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrib qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi—233-53-14, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi—233-56-45, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi—233-54-49, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi—233-54-63, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi—233-76-40, reklama va marketing bo'limi—233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir:
Hasan MO'MINOV.

Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonada manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy
1 3 4 5

ЎЗА якуни — 20.30
Toshshirdi — 21.00